

**Эл құдрати –
чин құдрат,
Ватан тупроғы –
қиммат.**

Ўзбек халқ
мақоли


Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТҮГРИСИДА

Республика аҳолиси-нинг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориши, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадиди:

1. 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафакалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси худудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 45 215 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 88 845 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошлангич (нулинчи) разряд – ойига 45 215 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 88 845 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа

ойига 54 265 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига кўшиладиган устами ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оиласларга бериладиган нафакалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгилangan компенсация ва бошқа тўловлар 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгилangan энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,2 баравар оширилиши уларнинг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсан ва тасдиқласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафакалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиқсан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишини тъминласин.

6. Куйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, нафака ва стипендия-

ларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар:

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи оширилиши 90 фоиз миқдорида республика давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳамда 10 фоиз миқдорида бюджет муассасалари ва ташкилотлари сметалари бўйича харажатларни мақбуллаштириш ҳисобидан;

пенсиялар, ижтимоий нафакалар ва стипендияларнинг оширилиши республика давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

7. Хўжалик ҳисобидаги бирлашма, корхона ва ташкилотлар 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгилangan энг

кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самараорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сонли Фармони (8-банди истисно қилинган холда) 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўгрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2010 йил 9 июль

И.КАРИМОВ

МАННАВИЙ КУДАРТИМИЗ ТИМСОМАРИДАН

Vatanimiz mustaqilligining
19 yilligi oldidan

Истиқолимизнинг дастлабки йилларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз мөросини ўрганиш ва тарғиб этиш, миллий-маданий ва диний қадриятларимизни асрлаб авайлаш, юксак маънавий-ахлоқий тушунча ва қарашларни ҳалқимиз, хусусан, ёш авлод қалбига чукур сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми З-бетда.)

Суратда: Имом Бухорий ҳалқаро марказидан лавҳалар.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

5-9-синф
ўкувчиларининг
билимлари
сифатини
назорат
қилишнинг
рейтинг тизими
тўгрисида
НИЗОМ

5-бет

МАКТАБНИНГ
МЕВАЛАРИ
болаларга малҳам
бўлмокда

7-бет

ЗАМОНАВИЙ
АХБОРОТ
МАЙДОНИ
кулай, арzon ва
фойдали

10-бет

Навқирон авлоднинг камолоти учун барча шарт-шароитларни яратиш, ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши, ўз иқтидорини намоён этиши учун имкониятларни янада кенгайтириш Президентимиз Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган сийёсатнинг устувор йўналишларидан-дир.

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам бу борада кенг кўламли ишларни амалга оширилмоқда, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий янгилини жараёнларида ёшларга кўмакдош бўлмоқда.

"КАМОЛОТ"ЧИЛАР АНЖУМАНИ

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 10 октябруда қабул қилинган қарорида ушбу ташкилот фаолияти самарадорлигини янада оширишга доир қатор вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, "Камолот" томонидан навқирон авлоднинг миллий маънавий меросимизга чукур хурмат, Ватанга муҳаббат, эл-юрта садоқат руҳида тарбия топиши ва уларнинг ижтимоий фаолигини ошириш йўлида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда, "Баркамол авлод или" давлат дастури вазифаларни бажариш, Ҳаракати фаолиятини янада тақомиллаштириш, худудий бўлимлар кенгашлари, бошлангич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилаёт.

Ижтимоиздаги "Камолот" а'золари бўлган минглаб ёшлар эл-юрт равнақи йўлида ўз салоҳиятини, ташаббус ва фаолигини намоён этмоқда. Бунда меҳнат жамоалари ва ўкув юртлари, корхона, ташкилот ва мусасасаларда фаолият кўрсатётган "Камолот" бошлангич ташкилотлари фаолларининг алоҳидаги ўрни бор.

Навоий шахридаги "Фарҳод" маданият сароидаги бўлиб ўтган корхона, ташкилот ва мусасасаларда фаолият кўрсатётган "Камолот" бошлангич ташкилотлари фаолларининг алоҳидаги ўрни бор.

Навоий шахридаги "Фарҳод" маданият сароидаги бўлиб ўтган корхона, ташкилот ва мусасасаларда фаолият кўрсатётган "Камолот" бошлангич ташкилотлари фаолларининг алоҳидаги ўрни бор.

Тадбирда "Ўзбекистон

2010-yil – Barkamol avlod yili

сасалар, ёшларининг I Республика анжуманида шулар хусусида сўз юритилди. Унда Қорақалпакстан Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 130 нафардан зиёд йигит-қизлар иштирок этди.

Анжуманда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ради Баходир Фаниев, Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қувондиқ Санакулов ва бошқалар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ўз иқтидорини намоён

хаво йўллари" миллий авиакомпанияси бошлангич ташкилоти етакчиси Сардор Эрмуҳамедов, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки бошлангич ташкилоти етакчиси Дониёр Екубов, Фарғона нефти қайта ишлаш заводи бошлангич ташкилоти етакчиси Умидахон Фафурова ва бошқалар "Камолот" бошлангич ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилди.

Анжуман қатнашчилари "Навоий машинасозлик заводи" ҳамда Наво-

килиши, ўқиб-изланиши, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етиши учун етарли шарт-шароит яратишга улкан эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Бу эзгу мақсаддади "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти самарадорлигини янада ошириш долзарб аҳамият касб этади. Хусусан, ёшларимизни мамлакатимиз ривожи ва ҳалқимиз фаронвонлиги йўлида меҳнат қилишдек эзгу мақсаддага чорлаш, уларнинг жисплиги, аҳиллиги, бирдамлигини таъминлашда Ҳаракатнинг бошлангич ташкилотлари муҳим ўрн тулади.

Мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан бири – Навоий кон-металлургия комбинатида меҳнат қиласидан 68 минг ишчи-хизматчинга 22 минг нафардан ортиғи ёшлардан иборат. Бу ерда ташкилоти этилган "Камолот" ЁИХ бошлангич ташкилоти ёшлар манбаатларини ҳар томонлама химоя килиш, уларни кўллаб-куватлаш, эзгу интилишларни рағбатлантиришга хисса кўшмоқда. Айни пайтда корхона бошқарма ва бўлинмаларида раҳбар кадрлардан 836 нафари 30 ёшгача бўлган йигит-қизларидар.

Анжуманнинг очилишида Навоий вилояти ҳокими Э.Турдимов иштирок этди.

Ёркул УМАР,
ЎЗА мухбири

— Мактабимизда 1127 нафар ўкувчи таълим олади, — дейди мактаб раҳбари Шарифжон Шокиров. — Сўнгги кўнғироқ чалиниши билан оқ янги ўкув йилига тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик. Ўқитувчилар, синф раҳбарлари, техник ходимлар, ота-оналар билан ҳамкорликда 5ta ўкув биносида 30ta синф хонасини янги ўкув йилига таҳқиқиб кўйдик. Бугун мактабимизда дарс машгулутларини бошлаш учун барча шароитлар мавжуд.

— 1 июндан бўён китоб савдосини ташкил этганимиз, — дейди мактаб кутубхоначиси О.Ахмедова. — Ўқитувчиларимиз-

нинг 995 нафари ижара тизимида дарсликлар билан тўлиқ таъминланди. Шулардан, 122 нафари кам таъминланган оила фарзандлари бўлиб, уларга дарсликлар тўплами белуп берилиди.

Тумандаги 2-мактабга кириб

Jarayon

борганимизда китоб савдоси авжиде эди. Кутубхоначи Холисхон Яминова ўкувчилар, ота-оналар билан қизгин мулоқот қиласидарди.

— Бугунчага билим даргоҳимизни жорий таъмирдан чи-

ЁШЛАР ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ

Наманганда "Келажак нури" нодавлат-нотижорат ташкилоти томонидан вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, прокуратура, ички ишлар, ўрта-максус, касб-хунар таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Наманган миңтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигидан "Ёшлар одам савдосига қарши" лойиҳасининг якунига бағишлиган конференция бўлиб ўтди.

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқтарибот идоралари, оммавий ахборот воситаляри вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мудихи иллат — одам савдосига қарши курашишнинг самарали механизми яратилди. Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида" ги конуни бу чегара билмас жиноятидан жабрланиш ёхимоли юқори бўлган ёшлар ва аёллар ўртасида мунтазам дав-

унга қарши курашиш ва жабрланганларга ёрдам беришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилимокда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори бу борадаги ишларни кучайтиришда муҳим дастурламалам бўлаётir. Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколат-

Qaror va ijro

хонаси томонидан молијаётганинг "Ёшлар одам савдосига қарши" лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар, эришилаётган натижалар ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

"Келажак нури" нодавлат-нотижорат ташкилоти томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргалиқда лойиҳа доирасида кенг жамоатчилик вакиллари, ўзини ўзи бошқариш идоралари фоллари иштирокида вактинча ишламайдиган ва ўқимайдиган, одам савдосига қарши курашиш тўғрисида" ги конуни бу чегара билмас жиноятидан жабрланиш ёхимоли юқори бўлган ёшлар ва аёллар ўртасида мунтазам дав-

ра сұхбатлари ва семинарлар ўтказилмоқда. Ёшларни одам савдосига билан шугулланувчи ким-саларнинг ҳийла-найрангларидан асрар максадида ўтказилган давра сұхбатлари, семинар ва ижтимоий акциялар, илмий-амалий конференцияларда етии минг нафардан зиёд йигит-қизлар қатнашди.

— Бу тадбирлар ўз самарасини бермоқда, — дейди "Келажак нури" нодавлат-нотижорат ташкилоти радиси Дилшод Отабоев.

— Лойиҳа доирасида ўтган йили Поп, Чуст, Тўракурғон, Мингбулук туманларида ўтказилган тадбирлар самарасида иштироқчиликарнинг ҳуқуқий билими сезиларли даражада ошиди, одам савдосидан жабрланганлар ва ноқонуний меҳнат миграцияси билан боғлик ҳолатлар 15 фоизгача камайди.

Конференцияда одам савдосига қарши курашишда ёшлар фаолигини, тарғибот ишлари самарадорлигини янада ошириш юзасидан таклифлар билдирилди.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири

ТАЪТИЛ МАРДОКИ ЎТМОҚДА

Навоий вилоятида ўқувчи ёшларнинг дам олиш мавсумини юқори савияда ташкил этиш, ўғил-қизларни фойдали машғулотларга кенг жалб қилишга алоҳида ўтибор қаратилмоқда.

Мавсум давомида Кармана туманинда ҳалқ таълими бўлими томонидан умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган йигирмадан ортиқ ёзги согломлаштириш масканларида 2 минг 300 нафардан зиёд ўғил-қиз ҳордикларни мўлжаллланган. Тумандаги З-мактаб қошида оилган "Машъал" соғломлаштириш масканнада иккинчи босқичда 50 ўқувчи таътилни мароқли ўтказмоқда.

Бу ерда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг дам олиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун барча қуайликлар яратилган. Фан, спорт ва хунармандишилк йўнинларидан ташкилотлари таъкид қилинган тўғраклар ўқувчилар билимини оширишда, жисмоний чиниши ҳамда муайян касб-хунар бўйича кўнімаларга эга бўлишида муҳим ўрн тутмоқда.

— Спортинг бадий гимнастика турига қизиқаман, — дейди З-мактаб ўқувчisi Ирина Иминова. — Ёзги соғ-

ломлаштириш масканнада дугоналарим билан маза қилиб дам оляпмиз. Шу билан бирга, бу ерда очилган бадий гимнастика тўғараги машғулотларида қатнашмоқдамиз. Бўш вақтимизда кутубхонада бадий китоблар ўқимиз.

Ушбу мактабнинг З-синф ўқувчиси Эъзоза Ризоева "Моҳир кўллар" тўғарагида тикувчиликдан сабоқ олмоқда.

Ўқитувчиларим, ота-онам ҳунарли инсон ҳеч қаҷон кам бўлмаслигини кўп айтганлар, — дейди Эъзоза. — Мен ҳам тикиш-бичишига қизиққаним учун ёзги таътилдан фойдаланиб, шу ҳунарни ўрганияпман.

Мазкур соғломлаштириш масканни раҳбари Норбиши Ражабованинг айтишича, ўқувчи ёшлар ўртасида соғлом ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш максадида мунтазам рашида турли маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. "Маънавий барқарорлик – етуклиқидир", "Биз гиёҳвандликка қаршимиз", "Ичқиликбозлилк, кашандалик – энг ёмон иллат", "Спорт – саломатлик гарови" мавзуларида семинар ва давра сұхбатлари, Навоий шахридаги диккатта сазовор жойларга саёҳат ўғил-қизларда чукур таассурот қолдиримоқда.

(ЎЗА)

ПУХТА ТАРАДДУД – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Ўқитувчилар учун ёзги таътил давом этाटган бир вақтда ўқитувчилар ва техник ходимларнинг юмушлари кўпайгандан кўпайган. Барча мактабларда янги ўкув йилига тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик. Ўқитувчилар, синф раҳбарлари, техник ходимлар, ота-оналар билан ҳамкорликда 5ta ўкув биносида 30ta синф хонасини янги ўкув йилига таҳқиқиб кўйдик. Бугун мактабимизда дарс машгулутларини бошлаш учун барча шароитлар мавжуд.

— 1 июндан бўён китоб савдосини ташкил этганимиз, — дейди мактаб кутубхоначиси О.Ахмедова. — Ўқитувчиларимиз-

кардик, — дейди мактаб директори Маммуржон Отакулов.

— Синф хоналари, ошхона, фаоллар зали, коридорлар, хожатхоналар, йўлакларни ўз кучимиз билан ўкув йилига тайёрладик. Бугунги кунда мактабдаги кундузги оромгоҳда ҳордик қиқараётган ўқувчилар турли тўғракларда биллиmlарини мустаҳкамлаш билан банд. 12 нафар ўқувчи «Ёш компьютерчи» тўғарагида компьютер сирларини ўрганаётган бўлса, яна бир гурӯҳ ўқувчилар кутубхонада ижарага берилган дарсликларни таъмирламоқда.

— Билимлар кунига тайёрмиз, — дейди 24-мактаб ди-

ректори Дилафрўзхон Фуломова. — Мактабимизнинг спорт зал

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу эзгу сайдынин тараққиёти, дунё илм-фани ривожига бекиёс хисса күшганд Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурхониддин Марғиний, Маҳмуд Замахшарий, Абдухолик Фиждувоний каби буюк алломаларимизнинг юбилейлари нишонланди. Улар ҳәти, илмий-маънавий меросини ўрганиш ва келажак авлодларга етказишига хизмат киладиган катта илмий мактабларга асос солинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 23 майда қабул килинган «Имом Бухорий ҳалқаро марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳам ушбу йўналишдаги ишларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Муқаддас ислом дини ривожига бекиёс хисса күшганд буюк ватандонимиз, ҳадис илмининг сultonни Имом Бухорийнинг улкан меросини илмий асосда чукур ўрганиш, ҳалқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, азалий миллий қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, иймон-этиқодини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ушбу марказ дунё илм-фанида алоҳида ўрин туади.

— Юртбошимиз муқаддас ислом динининг, Куръони қарим ва ҳадисларнинг асл мөхиятини, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини, Имом Бухорий, Имом Термизий сингари юртимиздан этишиб чиқсан буюк муҳаддис алломалар меросини ҳар томонлама теран ўрганиш, ҳалқ оммаси, ҳусусан, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш бугунги кундаги ёнг муҳим вазифалардан эканини таъкидлаган, — деди **Имом Бухорий ҳалқаро маркази директори, профессор Убайдулла УВАТОВ.**

— Ушбу эзгу мақсад йўлида Президентимиз қарори билан ташкил этилган мазкур марказ фаолиятида юксак инсоний фоялар ва муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган манбаларни тизимли асосда тадқиқ этиш, улардан маънавий-ахложи тарбия ишларидан фойдаланиш учун зарур дарслар ва ўкув қўлланмалари, илмий-амалий тавсиялар тайёрлаш юзидан доимий иш олиб бориш, Имом Бухорийнинг бетакор мероси асосида диний ҳодим-жонинг билим ва таҳрибаси,

Мактабларда дарслар тугади, имтиҳонлар бўлиб ўтди, шаҳодатномалар топширилди. Аммо устозлар ўкувчиларга мумкаммал билим бериш мақсадида ҳамон изланишда. Ҳусусан, ёш кадрлар бугунги кун педагогикаси таълабларига жавоб бера оладиган мутахассислар бўлиш учун ҳаракат қўймодар.

Ана шу ёш ва изланувчан мутахассисларга дарс жарайнида ахборот ва коммуникацион технологияларни қўллашда методик ёрдам бериш, наунали иш тажрибаларини вилоят миёсида оммалаштириш мақсадида Гулистон шаҳридаги 8-умумтаълим мактабида «Ёш мутахассисларнинг электрон тақдимоти» вилоят танлови бўлиб ўтди.

Сардоба туманидаги 18-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Ирода Боликулова «Алишер Навоий ҳәти ва иходини ўрганиш» мавзусида компьютер асосида синф ўкувчиларни гурухларга бўлган ҳолда ноанъаний дарс ўтиб берди.

Янгиер шаҳридаги 4-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Нигора Ўролова ҳам ўз электрон дарсини тақдим

касб малакасини ошириш бўйича ўкув-услубий ишларни амалга ошириш каби йўналишлар муҳим ўрин тутади.

Ўтган вақт мобайнида ана шу вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, барча зарур чора-тадбирлар кўрилди. Аввало, Юртбошимиз қарори қабул қилинганидан кейин қисқа фурсадта Имом Бухорий мажмусаси ҳалқаро марказ учун замонавий, барча кулагиларга эга икки қаватли кўркам бино қад ростлади. Бу ерда марказ илмий ҳодимлари ва тингловчilar учун

курсларида таҳсил олди. Машғулотларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, дин ишлари бўйича қўмита ҳодимлари, Тошкент ислом университети ва бошқа нуфузли олий ўкув юртлари ва илмий-тадқиқот марказлари профессор-ўқитувчилари томонидан диний ва дунёвий илмлар чукурлаштирилган ҳолда ўқитилади. Турли вазирлик ва идоралар вакиллари, сиёсатшунослар, маънавият тарбиботчilari томонидан мамлакатимиз ҳамда дунёдаги сиёсий, ижтимоий-

қилишларида муҳим ўрин тутади. Айни пайтда марказнинг тўққизинчи давра тингловчilar машғулотларни яқуламоқдалар.

Марказда юртимиздан етишиб чиқсан буюк ҳадисшунос алломалар ҳәти ва меросини илмий асососи чукур тадқиқ этиш, улардан кенг ҳалқ омасини баҳраманд қилиш борасида ҳам самарали иш олиб борилмоқда. Ҳадисшунослик ва манбаашунослик бўлими-

Айни пайтда «Ўзбекистон — буюк алломалар юрти» китобини тайёрлаш ишлари давом этмоқда. Ушбу китобда эллика яқин алломалар ҳәти, илмий-маънавий мероси ҳақида атрофлича маълумот берилди. Якунда «Мутафаккиларимиз» руқнида ўндан зиёд буюк аждодларимиз ҳақида тайёрланган ихчам рисолалар нашрдан чиқади. Ушбу тўпламдан барча ёшдаги китобхонлар кенг фойдаланишлари учун у кирилл ва лотин алифболарида тайёрланди. Мақсад — ҳалқимиз, ҳусусан, ёш авлод буюк бобаларимизнинг инсоният тараққиёти, илм-фани ривожига күшганд ишларни ўрганиш борасидаги илмий изланиш ва тадқиқотлар, ёшлар таълим-тарбиясига оид материаллар мунтазам чоп этилмоқда. Интернетда марказ веб-сайти ташкил этилган бўлиб, унга доимий равиша янги маълумотлар жойлаштириб борилмоқда. Бундан ташқари, олий ўкув юртлари, Миллий ғоя ва мағкура илмий-амалий маркази, Маънавияттарбибот маркази билан ҳамкорликда илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда, таълим муассасалари, маҳаллаларда кенг аҳоли қатлами билан учрашув ва давра сухбатлари ташкил этилиб, динни мөхияти, дин ниқоби остидаги турли оқим ва йўналишларнинг гаразли максадлари ҳақида тушунириш лари олиб борилаёт.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — ёнгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг ёнг буюк намояндлари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барсанни ўзида уйғулаштирган ҳалқимизнинг маънавий блаими нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир. Шу маънода Имом Бухорий ҳалқаро маркази ҳалқимизнинг ноёб ва бебаҳо бойлигини ҳар томонлама чукур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга ўтказицдек эзгу мақсад йўлида фаолият олиб бормоқда.

**ЎзА мухбири
Фолиб ҲАСАНОВ
ёзиг олди.**

МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛЛАРИДАН

барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Мажлислар зали, ўкув хоналари, ахборот-ресурс маркази, компьютер хонаси буғунги кун талаблари дараҷасида жиҳозланди.

Тубдан қайта таъмирланган ётоқхонада тингловчilar бўш вакътларини мазмунли ўтказилари, спорт билан шуғулашилари, компьютер курси сабоқларида иштирок этишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Маънавият ва маърифат хонасида эса тингловчilar ўкув ва бадий адабиётлардан, газета ва журнallardan баҳраманд бўлишади. Бундан ташқари сабоқ ўтиш учун ёки тадбирларда қатнашиш мақсадида хорижий мамлакатлар ва юртимизнинг турли худудларидан келадиган меҳмонлар, олимлар учун ўнта замонавий, икки қаватли коттежлар курилиб, фойдаланишга топширилди. Марказ қошидаги манбаалар хазинасида турили илмлар билан таалукли, араб ва форс тилларида битилган беш юздан ортиқ нодир кўлёзма ва тошбосма асарлар сақланмоқда.

Барча мусулмонлар учун Имом Бухорий мажмусасида сабоқ олиш ва ту барборук масканни зиёрат қилиш улкан шараф ва орзу хисобланади. Айни пайтда бу улуғ зотнинг илмий-маънавий меросини ўрганиш илм-маърифат ривожи учун бекиёс аҳамиятга эга.

Ўтган вақт мобайнида юртимизнинг барча худудларидаги жомеъ масжидлар имом-хатибларидан беш юздан ортиги марказнинг малака ошириш



иктисодий жараёнлар, жамият ҳаётидаги янгиланиш ва ўзгаришлар, барча соҳалардаги ислоҳотлар мазмун-моҳияти, натижаларига оид машғулотлар олиб борилмоқда.

Хар бир тингловчи икки ой мобайнида алоҳида бир мавзу бўйича битирув малакавий иши тайёрлайди. Битирув ишлари фақат диний мавзуулар билан чекланмайди, балки уларда юртимиздан чиқсан буюк алломалар меросини ўрганиш, мамлакатимиздаги маънавий-маърифий ишлар, жамият ҳаётидаги ислоҳотлар ва уларнинг самаралари, ёш авлод таълим-тарбияси, оила мұқаддаслиги каби масалалар ҳам таҳризларни таъкидлайди.

Марказдаги таҳсил жараённинг бу шакли дин вакилларининг ўзлари ётказилган диний илмлар билан бир қаторда, дунёвий илмларни ҳам чукур ўрганишлари, буғунги давр воқеилигини тўғри талқин

рининг илмий ҳодимлари ҳадис илми ривожига салмоқли хисса күшганд алломаларимиз меросини ўрганиб, янги маълумотлар тўпламоқда. Ўтган йили марказ томонидан «Буюк алломаларимиз» руқни остида 12 нафар аллома ҳаёти ва илмий меросига оид қисқана маълумотлар байн этилган плакатлар нашр этилди ва у юртимиздаги таълим муассасалари ва тегишли ташкилотларга таракатиди. Имом Бухорийнинг ибратли ҳаёт йўли ва беназир илмий-маънавий мероси ҳақида турли даврларда ёзилган тарихий асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Бу улуғ зот ҳаёти ва фаолиятига оид янги маълумотлар жамланган, мустақиллик йилларида юртимизда Имом Бухорий меросини ўрганишга қаратилган, ул буюк зотга юксак эҳтиром баён этилган «Ҳадис илмининг сultonни» китоби нашрдан чиқди.

Кўплигини инобатта олиб, яна учта рафбатлантирувчи мукофот жорий этди. «Изланувчан ёш мутахассис» номинацияси Сирдарё туманидаги 13-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Бахтиёр Норкуловга, «Ижодкор ёш мутахассис» номинацияси Гулистан шахридаги 4-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Бобур Султоновга, «Билимдон ёш мутахассис» номинацияси эса Бойевут туманидаги 18-мактабнинг «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фани ўқитувчиси Улугбек Сувонкуловга берилди.

Ёш мутахассисларнинг электрон тақдимоти танлови галибларига 1-, 2-, 3-даражали дипломлар, бошқарма сертификатлари ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу танлов вилятда биринчи марта ўтказилди. Унда камчиликлар бўлиши, табиий.

Эътиборлиси, танлов ёш мутахассисларнинг замонавий усууда дарс ўтиш методикасини ўзлаштириб ўкувчиларга билим бериш малакасини янада такомиллаштиришга кўмак беради.

**Саврий МАЛЛАЕВА
Сирдарё виляти**

ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН ТАҚДИМОТИ

этди. Гулистан шахридаги 4-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Бобур Султоновнинг дарс ишланмаси «Тарихни даврлаштириш» мавзусида бўлди.

Сайхунободлик ёш мутахассис, 35-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Камолиддин Тоҷибов «Юз йиллик уруш. Француз ҳалқининг инглизларга қарши кураши» мавзусида, Бойевут туманидаги 18-мактабнинг Миллий ғоя ва маънавият асослари фани ўқитувчиси Улугбек Сувонкулов «Юксак маънавият — ёнгилмас куч» асарини ўрганиш мавзусида, Оқолтин туманидаги 12-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси Равшан Бобомуродов

Tanlov



«Microsoft Excel дастурини ўрганиш» мавзусида, ниҳоят Сирдарё туманидаги 13-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси «Амир Темур ва темурйлар даври» мавзусидаги тақдимотларини ҳайъат аъзоларига тақдим этди.

Ҳайъат аъзоларининг қарорига асосан, 1-урин Сайхунобод туманидаги 35-мактаб тарих ўқитувчиси Камолиддин Тоҷибовга, 2-урин Янгиер шахридаги 4-мактаб инглиз тили ўқитувчиси Нигора Ўроловага, 3-урин Сардоба туманидаги 18-мактаб она тили ўқитувчиси Ирода Боликуловага насиб этди.

Ҳайъат аъзолари ёш мутахассислар орасида ижодкор, фаол ўқитувчilar

ЯКИНДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИННИГ АХ-БОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ КҮМИТАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЙИФИЛИШДА "ОММА-ВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТҮГРИСИДА" ГИ ҲАМДА "ЖУРНАЛИСТИК ФАОЛИЯТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТҮГРИСИДА" ГИ ҚОНУНЛАРНИНГ ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ ИЖРОСИ МАСАЛАСИ КҮРИБ ЧИКИЛДИ.

Айни вақтда Тошкент шаҳрида 198 номдаги газета, 200 номдаги журнал, 16та радио, 124та веб-сайт мавжуд. Кўриниб турибдики, бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган ОАВларнинг салмоқли қисми Тошкент шаҳрига тўғри келади.

Йиғилишда қонунларни ижро этишда муассислар билан таҳририят ўртасида тузилган шартномадаги маҳбуриятлар баъзи ҳолларда бажарилмаётганлиги, таъсис хужжатлари камчилклардан ҳоли эмаслиги, айrim таҳририятларнинг моддий-техника базасини яхшилашга етарли эътибор берилмаётганлиги босма нашрларнинг иқтисодий ҳолатига, ўз навбатида, журналистлар меҳнатини рағбатлантиришга маълум маънода салбий таъсир эттаётгани алоҳида таъкидланди.

Кўмита ишчи гурухи томонидан тақдим этилган назорат-таҳлил материалы муҳокамаси давомида сиёсий партияларнинг Қонунчиллик палатасидаги фракциялари, Экохаракат депутатлик гурухи аъзолари ҳамда ОАВ соҳасининг эксперт ва мутахассислари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадар экан, газета ва журнallарни чоп этиш, кўрсатув ва эшиттиришларни тайёрлаш жараёнларида соҳага оид қонун талаблariiga етарли даражада риоя этмаслик журналистиканинг ранг-баранг жанрларидан тўлақонли фойдаланиш имконини бермаётганлигини ҳам айтиб ўтишиди.

Йиғилиш иштирокчилари ахборот соҳасининг ҳукукий базасини янада мустаҳкамлаш, жумладан, миллий матбуотимизнинг сифатини, таъсирчалигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг ОАВларни ёришган юқсак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш мақсадида соҳага оид қонунчилкини янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидлашди. Ана шу каби турли фикр-мулоҳазалар, баҳс-мунозаралар асосида ўтган йиғилиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Бахтиёр ЁКУБОВ,
"Ma'rifat" мухбири

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН ЁЗ ФАСЛИ БАЙРАМЛАРГА БОЙ МАВСУМ ҲИСОБЛАНАДИ. АНА ШУНДАЙ ТАДБИРЛАРДАН БИРИ БУВАЙДА ТУМАНИДАГИ "ФУНЧАОЙ" НОМЛИ 1-МТМДА БЎЛИБ ЎТДИ.

"Азиз масканим "Фунча", турғин, дунё тургунча!" деб номланган тадбир мазкур тарбия муассасасининг 10 ёшга тўлиши муносабати билан ташкиллаштирилди. Унда сўз олганлар мактабгача таълим масканинг бугунги кунда тутган ўрни, ёришган ютуқлари ва тарбиячиларнинг таҳрибалари ҳақида илик фикрларни айтдилар.

Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар муассаса фаолияти, жумладан, машғулот хоналари ва ундаги жараён, ўйин майдончалари билан тўлиқ таниширилди. Шунингдек, муассаса ҳамишираси М.Ҳамроқулова "Софлигинг ўз кўлингда" мавзусида маъруза қилиб, унда болалар ҳаёти ва соғлигини сақлаш, кундаки рационга кирадиган озиқ-овқат маҳсулотлари меъёри, бола уйқуси, улар учун сув муолажалари, ялангоёқ юришининг фойдаси ҳусусида қўмматли маълумотлар берди. Богча тарбияланувчилари ижросидаги "Орзу", "Тинчлик бўлсин", "Ўзбекистон боласи" қўшиклари кўнгилларга завқ бағишлаб, барчани рақсга чорлади. Тарбияланувчилар Ойхон, Мухлиса, Райхона ва Ферузабонулар ижросидаги "Миттивой" рақси ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирди.

Башорат ОТАЖОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири



Тошкент давлат техника университети қошидаги 5-академик лицейда битирувчи ўқувчиларга диплом топшириш маросими тантанали равиша ўтди. Унда лицей битирувчилари нафакат мамлакатимиз олий ўқув юртарида, балки хориждаги ҳуфузли таълим даргоҳларида таълим олаётганлиги фаҳр билан тилга олиниди, бу йилги қадироҷочларга эзгу тилаклар билдирилди.

ТДТУ проректори Н.Зикриллаев ўқувчи-шарҳларга дипломларни тантанали суратда топшириди. Лицейнинг ўн учинчى қадироҷочлари бу йил 160 нафар бўлиб, улардан 8 нафарига ўқишидаги ва жамоатчилик ишларидаги фаоллиги учун имтиёзли диплом берилди.

Зарнигор СУЮНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

МИЛЛИЙ БАЙРОГИМИЗ, БИР ЖУФТ ОҚ КАБУТАР ВА РАНГ-БАРАНГ ГУЛЛАР ТАСВИРИ ТУШИРИЛГАН КАТТА БАННЕРДА СЕРҒАЙ-РАТ ёШЛАРНИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК САРИ ПАРВОЗ ҚИЛАЁТГАНИНИНГ РАМЗИЙ ТИМСОЛИ АКС ЭТГАН.

Куни кечада ЎзДЖТУ қошидаги 2-академик лицейда бўлиб ўтган маросимда юқоридаги фикр алоҳида эътироф этилди. Тадбирда аниқ бир соҳани танлаб, ётук мутахассис бўлишни ўз олдига мақсад қилган илмга чанқоқ ўғил-қизларга дипломлар топширилди. Тадбир якунидаги ўқувчиларнинг ота-оналари сўз олиб, ўғил-қизларини ютуқлари билан самимий кутлашди.

Дилафуз ТЎРАҚУЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИДА «РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИДА ЭПИДЕМИК ВА ЭПИЗОТИК ВАЗИЯТ ҲАМДА БАРКАРОРЛИКИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАР» МАВЗУИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.

Анжуманда республикамиз ҳудудига четдан кириб келиши мумкин бўлган, аҳоли саломатлигига жиддий хавф соловчи карантин-юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган амалий ишлар ҳамда бу каби кўнгилсиз ҳолатлар рўй берганда қандай чоралар кўллаш кераклиги бўйича олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижаси таҳлили ОАВ орқали аҳолини танишириш мақсадида ташкил этилди.

— Бугунги анжуманда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Божхона хизмати ва бошқа кўплаб вазирлик ҳамда тегишили давлат идоралари вакиллари иштирок этмоқда, — дейди Фавкулодда вазиятлар вазирлиги бўлим бошлиғи Абдулло Нурматов. — Матбуот анжуманни орқали Республика ҳудудига кириб келиши эҳтимоли бўлган турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида олиб борилаётганд ҳамкорликдаги ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда янги йўналишларни белгилаб олишни ҳам режалаштирганимиз.

Жумладан, вазирликнинг ҳамкорликда олиб борган ишлари самараси ўлароқ, 2009—2010 йилларда кўшни давлатлардан кўйдирги, вабо, безгак каби юқумли касалликларнинг ҳудудимизга кириб келишининг олди олинди. Давлат санитария-эпидемиология назорат марказлари мутахассислари билан биргаликда шаҳар ва туманларда мавжуд барча сув тозалаш, таъсимлаш иншоотларида тоза ичимлик сувини тайёрлаш ҳамда узатиш технологияларига риоя этилиши мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб борилмоқда. Шунингдек, юртимиз чегара ҳудудларида санитар-карантин ва ветеринария назорат пунктлари ташкил этилди. Бу масканларда юқорида айтиб ўтилган вазирлик ва давлат идоралари мутасадди ходимлари инсонлар саломатлиги ҳамда хотиржамлиги йўлида туну-кун фаолият олиб боришмоқда.

Шаҳина ЖЎРАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

БУГУН ЮРТИМИЗНИНГ ДЕЯРЛИ ҲАР БИР ГЎШАСИДА БОЛАЛАРНИНГ МАРОКЛИ ДАМ ОЛИШЛАРИ УЧУН БАРЧА ШАРОИЛЛАРГА ЭГА ОРОМГОХЛАР БАРПО ЭТИЛГАН. УЛАРДА БОЛАЖОНЛАРИМИЗ МАРОКЛИ ХОРДИК ЧИҚАРИШ БИЛАН БИРГА БЎШ ВАҚТЛАРИНИНГ МАЗМУНИЛИ ЎТКАЗМОҚДАЛАР.

Жумладан, пойтахтимизнинг Собир Рахимов туманидаги 242-мактаб қошида ҳам "Кўёшжон" номли оромгоҳ ташкил этилиб, унда мактаб ўқувчилари ёзги таътил кунларини марокли ўтказиш билан бирга, турли тўғараклар орқали ўз билим ва қизиқишиларини янада шаклантириб бормоқда.

— Оромгоҳимиз тўрт мавсумга мўлжалланган бўлиб, ҳар бир мавсумда 150 нафар бола дам олиши режалаштирилган, — дейди мактаб директори Галина Шишкова. — Хозир бу ерда саккизта тўғарак иш олиб бормоқда. "Эртаклар олами", "Шашка-шашмат", "Ёш китобхонлар", "Ёш экологлар" каби тўғараклар ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига замин яратмоқда. Бундан ташқари улар сув ҳавзасида ўз соглиқларини мустаҳкамлаб, турли ва ҳайвонот боғларига саёҳатлар уюштиришмоқда. Мусобақалари эса болаларнинг жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб ўсишларида мухим аҳамият касб этади".

Ха, жўшқин фаслнинг ҳароратли нафаси болажонлар қалбида энг юксак фазилатларнинг камол топишига хизмат қиласа, ажаб эмас. Бунда эса ёзги дам олиш масканларининг ўрни бекиёсdir.

Р.МАДИЕВА

ЁЗГИ ТАЪТИЛДА БЎШ ВАҚТЛАРИНИ КУВНОҚ ЎЙИНЛАР БИЛАН БОШЛАГАН БОЛАЛАР БИЛИМ БУЛОГИ — КИТОБЛАРНИ ЎЙЛАРИДА КОЛДИРИШМАГАН КЎРИНАДИ. ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ 202-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ТОМОН ЙЎЛ ОЛГАН «ШОДЛИК» ОРОМГОХИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ «КИТОБ — БИЛИМ БУЛОГИ» ТАДБИРИГА ЎЗЛАРИНИНГ СЕВИМИЛИ ЭРТАК КИТОБЛАРИ БИЛАН ШОШИЛИШДИ.

Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бошқармаси методика маркази ва Чилонзор туман Ахборот-ресурс маркази томонидан уюштирилган тадбирда пойтахтимиздаги Фофор Ғулом номидаги нашриёт уйи масъул ходимлари, Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, методистлар, мактаб кутубхоначилари, ўқитувчилар ташриф буюрди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар ХТББга қарашли таълим муассасаларида 59та Ахборот-ресурс марказлари ташкил этилган бўлиб, улар телевизор, ви-




дравитон магнитофон, аудиомагнитофон, нусха кўчириш аппаратлари, компьютер техникиси билан таъминланган. АРМларнинг барчasi интернет тармоғига уланган ва ўз электрон манзилларига эга.

— Китоб — ойналижаҳон, илм-маърифат манзилларига элтувчи йўл — дейди Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бошқармаси методика маркази методисти Диором Юсупова. — Ўқувчиларнинг китоб ўқишига бўлган кизиқишини ортириши биз педагогларнинг асосий вазифамиздир. Уларни китоб билан дўстлаштириб, ўз иқтидорларини рўёбга чиқаришга ёрдам бераяпмиз.

Тадбир сўнгидаги методика маркази ва туман ахборот-ресурс марказининг хисоботи тингланди.

Х.РАЖАБОВА



Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Умумий ўрта таълим мактаблари узлуксиз таълим тизимидағи энг муҳим ва ҳал қилувчи бўғинлардан бири сифатида кейинги боскичга бárcha фанларнинг асосларини пухта эгаллаган, интеллектуал жиҳатдан юксак ва жисмонан соғлом шахсни тайёрлайди. Шу бойсдан мактаб ҳаётiga жорий қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий хужжатларда ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама соғлом қилиб вояға етказишнинг меъёр ва кўрсатичлари акс эттирилади. Янги 2010–2011 ўкув йилидан бошлаб амалиётта татбиқ этиш кўзда тутилаётган 5–9 синф ўқитувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишининг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом» ҳамда «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда раҳбар ходимларининг иш юкламасини белгилаш ва таксимлаш бўйича йўрикнома» ҳам шубҳасиз, ана шундай хужжатлар сирасидаги киради. Амалиётта кўлланилиб келаётган ушбу Низом ва йўрикноманинг янги таҳrirдагиси таълим ходимлари фаолиятини янада самарали ташкил этишга қаратилгани билан аҳамиятлиdir.

Янги рейтинг тизими ва педагогнинг иш юкламасига доир йўрикнома билан туман ҳалқ таълими бўлими ходимларини, мактаб раҳбарларини, уларнинг ўринбосарларини, умуман кенг жамоатчиликни танишириш мақсадида Тошкент шахридаги 69-умумтаълим мактабида ўкув семинари ташкил этилди. Шаҳар ҳалқ таълими бош бошқармаси умумий ўрта таълим ва дарсликлар бўлими бошлиги Шукур Бурхонов ушбу ҳуқуқий-меъёрий хужжатларнинг қайта кўриб чиқилишидан ва амалиётта татбиқ этилишидан кўзланган мақсадида ҳамда вазифаларга тўхталиб ўтди. Шундан сўнг ҳар иккала хужжатга киритилган ўзгартишлар ҳақида тажрибали педагогларнинг қисқача ахборотлари тингланди.

Доно Абдуллаева, Учтепа туманидаги 229-умумтаълим мактаби директор ўринбосари:

— Иш юкламаси ҳар бир педагогнинг мактабдаги фаолиятини тизимга солади. Унга ана шу юклама асосида ойлик иш ҳақи тўланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 ноябрда ёълон қилинган «Ҳалқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тақомилаштириш ва уни моддий рабатлантириши кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори умумтаълим мактаблари ўқитувчиларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашда муҳим аҳамиятта эга бўлмоқда. Унга асосан янги таҳирда қабул қилинган «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда раҳбар ходимларининг иш юкламасини белгилаш ва таксимлаш бўйича йўрикнома» 2010–2011 ўкув йилидан кунга киради. Савол туғилади,

тижасида ўқитувчи энди 28та эмас, балки бta дафтарни юритади. Бу унинг бола билан кўпроқ шугуланишига вақт колдиради.

Дилором Ёғдорова, Сергели туманидаги 104-мактаб директорининг ўқувтарбия ишлари бўйича ўринбосари:

— Ҳалқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси ҳузуридан Давлат тест маркази томонидан қабул қилинган «5–9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишининг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом» бола ҳуқуқ ва эркинларни-

вақтини ўқувчиларга билим беришга эмас, аксинча ўқувчи тўплаган балларни ҳисоб-китоб қилиш ишларини бажаришга сарфлаган. Бунда баллнинг ўнли улушларда кўлланилиши, 13та турли мураккабликларга эга бўлган назорат ва рейтинг балларини ҳисоблаш шакллари ва тартиблари ҳар бир фан ўқитувчисида, хусусан, ижтимоий-гуманистар ўкув фанларидан дарс бeraётган ҳамкасларимизга ортиқча оворагарчиллар тудирган. Ўқитувчининг бутун фикру хаёли рейтинг тизимидағи чалкашликларни ечиш, балларни санаш ва умумлаштириш билан банд бўлиб, тав-

Seminar

лади. Бу борада дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси ўрганилди ва баҳолашнинг янги, ўзига хос, самарали механизми ишлаб чиқилди. Масалан, ўқувчига 2 балл кўйиладиган бўса, у 5та имкониятнинг 2тасидан фойдаланиши мумкин. Яни, у 1 балга бўлган талабни тўлиқ бажарип, кўшимча равиша ўрганилган мавзуға оид айрим маълумотлар, қоид ва таъриф, теоремаларни эслаб, асосли жавоб беришга ва жавобини исботлашга ҳаракат қиласа, имкониятдан фойдаланган ҳисобланади ва қўшимча яна «2» балга эга бўлади.

Ушбу ўзига хос янгиликларни амалиётга жорий қилишда даставвал тушунмовчиликлар бўлиши табиий. Аммо таълим соҳасида катта тажрибага эга ҳамкасларимиз унинг янги таҳирда қабул қилинишидан кўзланган мақсад-муддаони дастлабки ўкув йилидаётқанглаб етадилар.


Семинар иштирокчилари ҳар иккала тренернинг ахборотини дикқат билан тинглаб,

ЎҚИТУВЧИННИГ ИШ ҲИСОБОТИ

у қандай бўлади, рейтинг тизимидағи янгилик нимада?

бу йўрикнома аввалгисидан кайси жиҳатлари билан фарқ қилида ва ўқитувчиларга қандай енгилликлар яратилади?

Аввалиг йўрикномада педагогнинг иш юкламаси 5та йирик бўлимни ўз ичига олган. **Булар — ўкув жараёни (1), машғулотларга тайёргарлик кўриш жараёни ҳамда ўкувтарбия жараёни таъминлаш (2), ташкилий-педагогик фаoliyati (3), ўқувчилар билан мактабдан ва синфдан ташқари ишларни ташкил этиш, жамоатчилик ишларида қатнашиш (4), мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги доирасида олиб бориладиган ишлар (5).** Ана шу йирик йўналишлар уларга мос тушувчи жараённи қамраб оладиган 28та майда бўлимни ўз ичига олар, ўқитувчи уларнинг ҳар бирига алоҳида тутиладиган дафтарни ўкув йили мобайнида юритишга мажбур бўларди. Бу эса ўқитувчидан кўп вақт талаб қилиши табиий. Жорий этилиши мўлжаланаётган йўрикномада ана шу 5та бўлим Зтага умумлаштирилди. Аммо ўқитувчининг умумий йиллик иш юкламаси учун белгиланган 1548 соатлик ҳажм ўзгаришсиз қолди. Кўриниб турибдики, иш юкламанинг умумлаштирилиши на-



ни тўлиқ таъминлайди, уларнинг билим эгаллашга бўлган кизиқишини самарали рабатлантириш ҳамда таълимнинг кейинги босқичига тортишга оид амалий ишларнинг бажарилишига замин яратади. Шунингдек, амалда фойдаланилган кўп балллик рейтинг тизимида ўқитувчи аксарият

ўзларида туғилган саволларга жавоб олдилар. Энди улар ҳам ўз худудларига бориб, қабул қилинган янги хужжатларнинг мазмун-моҳиятини ўқитувчиларга, ота-оналарга, кенг жамоатчиликка етказишлари лозим.

Хулкар ТЎЙМАНОВА, «Ma'rifat» мухбири



ЯПОНЛАР ЗАР ЧОПОНИМИЗНИ, БИЗ ЭСА КИМОНОНИ БИЛАМИЗ

табининг 8 ёшли ўқувчиси Тажима Ясумининг ижодий ишлари кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлаётганига гувоҳ бўлдик.

ти barglari anjanaviy kuzgi mavzadir, қиши фаслига мўлжалланган кимонода қарағай ва бамбук манзараси акс эттирилган.

Ko'rgazma

Тадбир ёдда қоларли бўлди. Кўрказмага йигилганлар мураккаб бўлиб кўринган, ёрдамчисиз кийиб бўлмайдиган кимонони кийиш техникаси билан яқиндан танишиб, уни шахсан кийиб кўриш имкониятига ҳам эга бўлди. Бундан ташқари, японча чой тайёрлаш маросимида қатнашиб, уни таътиб кўришиби.

Айтиб ўтиш жоиз, мазкур лойиҳанинг биринчи қисмида Ўзбекистон миллий кийимлари ҳамда уни тайёрлаш техникаси ва технологияси, миллий матолар ва унга тегишили буюллар намойишлари ҳам Японияда катта кизиқиши уйғотди. Иккинчи қисм ҳисобланган «100 япон кимоноси» лойиҳаси республикамиз бўйлаб намойишга кўйилиши режалаштирилмоқда.

Мухлиса МўМИНОВА, «Ma'rifat» мухбири

В.ГРАНКИН олган сурат.

— O'quvchilar iste'mol qiladigan taomlar servitamin bo'lishi talab etiladi, — deydi bosh oshpaz Ismoiljon Aysaov. — Dasturxonimizdan meva uzilmaydi. Sut mahsulotlarining me'yoriy ravishda berilishi o'quvchilarimizning har qanday kasallikdan tezroq forig' bo'lislariiga yordam beradi.

Ўрта Осиё инсоният маданий ҳаёт кечира бошлаган энг қадимги миңтақалардан бири ҳисобланади. Ана шу заминда оқиб ўтган дарёлар, сойлар эл-юрт тараққиётida мұхим ўрин тутган. Сир ва Аму, Зарафшон дарёлари, катта-кичик сойлар бўйларида шаклланган ва тарихий ривожланиш босқичларини ўзида мұжассам қилган тарихий-маданий ўлка бугунги кунда Ўзбекистон худудининг қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлганлигини исботлаб келмоқда. Шундай қадимий ўлкалардан бири ҳисобланмиш Фарғона водийси, унинг шаҳару қишлоқларининг кўхна тарихи, шак-шубҳасиз, ўтмиш меросимизнинг бебаҳо хазинасига айланган.

Мустақиллик йиллари кўплаб шаҳар ва қишлоқлар ўзининг ўтмишдаги ҳақоний тарихи, асл номларини қайта тиклади, уларнинг ўтмиши анча қадимий эканлиги илмий асосда аниқланди ҳамда кенг жамоатчиликка маълум қилинди. Кўхна Самарқанд, Хива, Тошкент каби шаҳарлар қатори Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилеи 2007 йилда мамлакатимизда ва ҳалқаро миқёсда кенг нишонланганини бунинг яқол далилидир.

Албатта, ҳар бир йирик ша-

бу ҳудудлар ҳалқ орасида "Марғилон қишлоқлари" деб аталиб келинади. Тарихий нуқтаи назардан қаралса, шаҳарнинг иккимингйиллик тарихида содир бўлган барча ижти-

Fikr, murohaza, taklif

моий-сиёсий, иктиносидий ва маданий жараёнлар, ҳеч қандай шак-шубҳасиз, бу қишлоқлар тақдирини ҳам белгилаб берган ва улар, табиити, шаҳар билан "ёнма-ён", "биргалиқда" тараққий этган. Шаҳардан чиқиш ёки унга кириш, са-

ҳоли йигилган ҳолда араб кўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатган. Ҳар бир қабила ўз тугига эга бўлса-да, Писак мавъум бир вилоятнинг маркази сифатида қабул қилинган. Араб манбаларининг гувоҳлик берисича, Писак арабларга таслим бўлмагач, душманлар уни вайрон этган. X-XII асрларда эса, Писак йирик қишлоқ сифатида мавжуд бўлса-да, айниқса, савдода Марғилон шаҳри билан тенг рақобат қила олган. Мўгуллар босқини оқибатида бу қишлоқ йўқ қилинди, темурийлар даврида у яна қайта тикланиб, ривожланди.

Айрим даврларда сув миқдорининг камайиши оқибатида бу ҳудуд аҳолиси сувга яқин бошқа ерларга кўчиб ўтишга мажбур бўлган. Ташиб кетилган қишлоқлар ўрнида табиий равища қаровсиз ерлар ва тепаликлар вужудга келган. Кўкон хонлиги даврига келиб эса Марғилон атрофида қишлоқларга сув чиқариш, ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида ушбу ҳудудда ўнлаб қишиларидан чиқадиган маҳсулотлар билан таъминлашга астордил ҳаракат қилинади. Мактаб директори Абдувосит Холматовнинг айтишича, ўтган йили экин майдони ва боғдан 10 миллион 400 минг сўмдан ошик даромад олинган. Бир гектар ерга экилган экиндан етиширилган маҳсулот сотилгач, пулига уч бош қорамол олинди. Ошхонадан йил — ўн иккى ой сут маҳсулотлари аримайди.

Булоқбоши туманинда 11-санаторий мактаб-интернатида сил касаллигига мойил деб то-пилган болалар таълим олади. Тиббий холосага асосла-ниб бу ерга юборилган ўкувчиликлар ҳамиша муҳофазада.

Биз ана шу болаларнинг кундаклик эҳтиёжларига эш бўлаётган жонсарак муаллимларнинг айни кунларда олиб бораётган ишлари хусусида сўзламоқчимиз. Ўкув масканинг иккى гектардан иборат экин майдони мавжуд. Ҳар йили бу ердан унумли фойдаланиб,

Ta'limda tadbirkorlik



қараганда
1 2
мил-

ҳар қандай касалликдан тезроқ фориғ бўлишларига ёрдам беради.

Мактабда 10 нафар тиббёт ходими фаолият олиб боради. Уларнинг 2 нафари юкори малакали врачи. Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳомийлигига ўкувчиларнинг энг зарур эҳтиёжлари ўз вақтида таъминлаб бориляпти.

Айни пайтда интернет ёт foялар ёрдамида ёшларнинг онгини турли йўллар орқали эгаллаш воситаси ҳам экани борган сари ўз тасдиғини топмоқда. Айниқса, гоявий бекарорлик хукмрон бўлган жойда мағкуравий таҳдид кучайди. Қолаверса, интернетдаги маданият турли халқлар маданияти билан мuloқot қилишга қодир. Шунинг учун ҳам бир маданият иккичи бир маданиятга ўз таъсирини ўтказади. Маданиятларнинг бир-бирига узлуксиз таъсири миллий удум ва қадриятлар таназзулига олиб келиши мумкин. Масалан, ҳозирги даврга келиб киберолам тушунчаси кенг омма ичига кириб бормоқда, бошқача қилиб айтганда, глобал тармоқнинг кенгайиши сабабли ундан фойдаланувчилар

Дунё олимлари Ер юзидағи флора ва атмосфера ўтасидаги газ алмашнуви жараёнини батағсил ўрганиб, ҳар йили сайёрамиздаги барча ўсимликлар томонидан 123 миллиард тонна карбонад ангидрид ютилишини аниқлади. Уларнинг мавзуга бағишинланган мақолалари «Сайнс» илмий нашрида чол этилди. Таъкидлаш жоизки, олинганд натижалар глобал исиши оқибатларни башорат қилишда фойдаланилариган иқлим моделларини яратиш учун айниқса фойдалидир.

Жараёнда тадқиқотчилар иккича гурухга бўлинган ҳолда изланиш олиб боришган. Уларнинг бир гуруҳига раҳбарлик килган Йен (Германия)даги Биогеоким институти профессори Кристиан Бир берган маълумотларга кўра, ютилаётган газнинг 34 фоизи тропик ўрмонлар худудига тўғри келади. Айни пайтда 24 фоизи эса саванна ўсимликлари туфайли кислородга айлантирилди (гарчи мазкур тропик биёбонларнинг қамрови ўрмонларга нисбатан иккича баробар кўп бўлса ҳам).

— Туғли экотизимлардаги фотосинтез жараёнда ўсимликлар томонидан ютиладиган карбонад ангидрид майдорини белгиловчи омилларни ўрганиш жуда мумкин, — деди бу бора-да тадқиқотчи. — Чунки одамлар ёғоч, тола, мато ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун экотизимлар захираларидан фойдаланади.

рум ёки чатхоналар орқали гуруҳ бўлиб мuloқot олиб бориши конференция ташкил этиш дейилади. Виртуал мuloқotларга секин-аста муккасидан бериладиган ёшлар эса вақт ўтгани сари компютер ва интернетдан фойдаланиш тажрибаси ошиб, кибероламга тобора мослашиб боради. Натижада, агар инсон интернетдаги ўртоқлари билан мuloқotда бўлмас, яъни чат, форум ёки конференция орқали алоқаларни ўрнатмаса, ўзини ноқулай ҳис этади, ҳаётдан орқада қолаётгандай бўлади, гўё ўз доирасидаги мавқеи йўқолиб бораётгандай туюлади.

Ташвишланаарлиси шуки, киберолам бошқалар орасида агрессив ҳаёт тарзига мосла-


шу ўринда киберолам қандай шаклланади, деган савол юзага келади. Жамиятда иқтисодий эркинликнинг вужудга келиши билан Farbda ўтган асрнинг 90-йиллари охирларида фан ва техника ривожланиши сабабли киберолам шаклланда бошлади. Компьютер индустрисининг иқтисодий мустақил ривожланиши кучли тарғибот ишларининг ривожланишига омил бўлди. Кибероламнинг ўз модаси, атамалари, тили, ўзгача мухитни юзага келтирадиган «жамият»и шаклланди. Умуман олганда, дунё тармоғининг худуд билмас дараҷада кенгайиши исталган бир жамият тараққиётига ва миллий қадриятларга таҳдид солади. Шу сабаб ёшларни интернет-

тартиби солиш ҳам мураккабдир. Бунинг оқибатида интернетдан фойдаланувчи ёшлар назоратсиз қолмоқда. Бу, ўз навбатида, ёшларнинг хулқатворида психик ўзгаришлар, зўравонлик каби иллатларнинг оз бўлса-да шаклланишига олиб келяпти.

Шу ўринда статистик мальумотларга мурожаат этас. Россиялик мутахассислар ёшларнинг интернетдан фойдаланиш жараёнини ўрганиб, қуйидаги натижаларга эга бўлди. Мамлакатда интернетдан фойдаланувчи 14 ёшгача бўлган болалар сони 8 миллионни ташкил этади. Мактабгача бўлган болаларнинг 25 фоизи ота-оналари назоратисиз тармоқдан мустақил фойдалана олар экан. 12 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар катталар учун мўлжалланган сайтлардан икки баробар кўп маълумот олади. 14 ёшгача бўлган болаларнинг 32 фоизи беҳаё сайтиларни кузатиб боради, 13-15 фоиз болалар зўравонлик, алкоголь ва наркотик моддалар тўғрисидаги маълумотлар билан танишган. 54 фоизи эса ота-оналар назоратида бўлишган, яъни салбий маълумотлардан ҳимояланган, дейилади metrika.ru мансасида.

Бугун биз акл бовар қиласи ихтиrolар, тасавурга сифаси кашфиётлар оламида яшётганимиздан келиб чиқсан ҳолда барчага аён бир ҳақиқатни яна бир бор таъкидлаш жоиз. Аникроғи, глобаллашув жараёнда илмий кашфиётлар, хусусан, интернет технологиялари ютуқлари одамзод дунёкарашини жуда тез ва кескин ўзгартирмоқда. Тармоқ ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланниб, инсонларнинг яшаш тарзи ва фикрлашига узлусиз таъсир кўрсатяпти. Бу жараёнда тармоққа давомий равишда мурожаат қиладиган одамлар ўзига хос кибержамиятларга аъзо бўлиб улгуришган. Шу боис, эндиликда ҳар бир шахснинг чек-сиз аҳборот уммони бўлган кибероламдан фойдаланишида аҳборотни саралай билиш қобилиятини шакллантириш долзарб вазифа эканини унумаслик даркор.

**Наргиза
ДУСИМБЕТОВА**



шишни ҳам йўл-йўлакай ўргатади. Мисол учун, илгари киберийнларда хукуқбазларни учрати мушкул эди. Бироқ компютер клублари пайдо бўлиши натижасида кибермакон фирибгарлари ҳам кўпаймоқда. Улар қинғир йўллар билан топилган маблаги эвазига ўз қонун ва тартибларини ўрнатишга интиломоқда.

даги аҳборотни тўғри идрок этишга ўргатиш лозим. Ҳар бир киши интернетдаги аҳборотнинг фойдали ёки зарарли эканини ажратиб олса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки аҳборот хуружи тобора авж олаётган ҳозирги тобора авж олаётган ҳозирги кунда ҳар бир ёшнинг онгига таъсир ўтказишга ҳаракатлар кўп кузатилади. «Глобал дунёни яратиш» жараёнда аҳборотни бошқариш,

лар ёрдамида биз иқлим моделлари маълумотларини солишириш имконига эга бўламиз. Бу — биринчидан. Иккинчидан, бу турдаги газ ва иқлим ўтасидаги ўзаро боғлиқликни янада чукурроқ ўрганиш мумкин бўлади, — дея таъкидлашди олимлар.

Иккинчи гурух тадқиқотчилари ўсимликларнинг «нафас олиши» жараёни туфайли яна атмосфера қайтар экан. Шу ўринда бир қиёсни келтириш лозим: ҳар йили қазилма ёқилгилардан фойдаланиши натижасида атмосферага тахминан 7 миллиард тоннага яқин карбонад ангидриб чиқарилади. Колаверса, мутахассислар ёмғирлар миқдори Ер флораси эгаллаган 40 фоизи худудда ўсимликлар билан атмосфера ўтасидаги газ алмашинув жараёнининг жадаллашишига сабаб бўллади, дейишмоқда. Мазкур ўзига хослик, яъни ўсимликларнинг намгарчиллик даражасига қараб «нафас олиши» шу пайтга қадар етарижа ўрганилмаган ва кўпинча иқлим моделларини яратишда аниқ кўрсаткичларга таянилмаганди. Шу боис тадқиқотчилар олган сўнгги маълумотлар жадал ўзгараётган ва кундан кунга аҳолиси кўпайиб бораётган сайдеризмизда барқарор қишлоқ хўжалик тизимиши шакллантиришда самара беришига ишонч билдиришмоқда.

**Наргиза ИБРОХИМОВА
тайёрлади.**

ТАБИАТДА ФОТОСИНТЕЗ ЖАРАЁНИ

Изланиш давомида олимлар бундан ўн йил олдин иш бошлаган «ФЛАКС-НЕТ» (*FLUXNET*) халқаро лойиҳаси доирасида тўпланган маълумотларни чукур таҳлил этишиди. Маълумот ўрнида айтиш зарурки, лойиҳа доирасида бутун дунё бўйлаб ташкил этилган аналитик тадқиқот станциялари тизими ёрдамида энг сўнгги технологиялардан фойдаланган ҳолда фотосинтез жараёнида ўсимликлар томонидан «истеъмол қилинадиган» ва хавога чиқариладиган газ майдори қайд этиб борилган. 1996—2009 йиллар оралиғида олинган мазкур маълумотларни ўрганилган экотизимлар иқлим кўрсаткичлари билан таққослашда шу кунгача фанга номаълум бўлган ўсимликлар томонидан газни ютиши жараёнинг оид қатор майдорий ва сифат билан боғлиқ белгилар аниқланди.


Шунингдек, мақола музаллифлари дунёдаги барча ўсимликлар томонидан ютиладиган бирламчи (дастлабки) карбонад ангидрид ҳажми иилига 123 миллиард тоннани ташкил этишини эълон қилишди. Эътиборлиси, газнинг

аксарият қисми флоранинг «нафас олиши» жараёни туфайли яна атмосфера қайтар экан. Шу ўринда бир қиёсни келтириш лозим: ҳар йили қазилма ёқилгилардан фойдаланиши натижасида атмосферага тахминан 7 миллиард тоннага яқин карбонад ангидриб чиқарилади. Колаверса, мутахассислар ёмғирлар миқдори Ер флораси эгаллаган 40 фоизи худудда ўсимликлар билан атмосфера ўтасидаги газ алмашинув жараёнининг жадаллашишига сабаб бўллади, дейишмоқда. Мазкур ўзига хослик, яъни ўсимликларнинг намгарчиллик даражасига қараб «нафас олиши» шу пайтга қадар етарижа ўрганилмаган ва кўпинча иқлим моделларини яратишда аниқ кўрсаткичларга таянилмаганди. Шу боис тадқиқотчилар олган сўнгги маълумотлар жадал ўзгараётган ва кундан кунга аҳолиси кўпайиб бораётган сайдеризмизда барқарор қишлоқ хўжалик тизимиши шакллантиришда самара беришига ишонч билдиришмоқда.

Оlamda гарбонат ангидрид газнинг ютилишига оид янги кўрсаткичларни таъсирлашади.

ИНСОННИНГ ЯҚИН ЁРДАМЧИСИ БҮЛАДИ

«Франс Пресс» агенлигининг хабар беришича, эронлик олимлар томонидан уларнинг янги илмиy-техник ишланаси – робот тақдим этилди. У қадимиy форс саркардаси шарафига Сурена-2 деб номланиб, темир одамнинг бўйи 1,45 метр, оғирлиги эса 45 кг. ни ташкил этади.



Сурена-2 ёёк ҳаракатининг 12 турини, кўл ҳаракатининг 8 турини ва бош ҳаракатининг 2тасини бажара олиш баробарида секин юра олади. Ушбу роботни ишлаб чиқиш учун 20 нафар тадқиқотчи фаолият олиб борган. Янги ихтиро инсонларнинг яқин кўмакчисига айланиши куттилмоқда. Маълумот ўрнида айтиш зарурки, Сурена-2 роботининг дастлабки авлодини эронлик олимлар 2008 йилда кенг жамоатчиликка таниширганди.

НОНУШТАНИ СУРАТГА ОЛИШ ТАҚИҚПАНДИ

«Дэйли Телеграф» нашри маълумотларига кўра, Англияниг Глостершир графлигидаги мактабларда болаларга ота-оналар томонидан берилган нонушталарни суратга олиш бекор қилинган.

Аслида шу йил бошидан график ҳокимиyати, мактаб раҳбарлари ва Согликни сақлаш органдар томонидан болаларнинг семириб кетишига қарши янги дастур ишлаб чиқилган эди. Унга кўра, болаларнинг нонушталари таркибидаги туз, шакар, сабзавот ва мевалар миқдорини анилаш йўлга қўйилган. Сўнгра бу кўрсаткичлар тавсия этилган озиқ-овқат маҳсулотлари таркиби билан сөлиширилган. Натижалар асосида эса аноним рўйхат тузилиб, нонушталар баҳоланган ва ўкувчиларнинг ота-оналарига бу маълумотлар тақдим этилган.

Катор мактаб маъмурияти ходимлари жараёнда дастур асосида кичик синф ўкувчилари орасида сифатли ва тўғри овқатлаштирилганни таъкидлашмоқда. Шунга қарамай, нонуштанни суратга олиш кўплаб ота-оналар ва айрим ҳокимиyат вакиллари томонидан кучли таҳқид остига олинган. Улар бундай ҳаракатларни одоб-ахлоқ меъёрлари чегарасидан чиқиб кетиш, деб хисоблашгани боис ҳозирда графикдаги 19та мактабда дастурни амалга ошириш ишлари тўхтатилган.

SMS ВОЯГА ЕТМАГАНГА ЗАРАР




Аниқланишича, мобиль телефонлари туфайли буғунги кун ёшларида бир қанча руҳий ва жисмоний хасталиклар юзага келмоқда. «Риан.ру» сайти маълумотларига қараганда, олимлар ўтказган тадқиқотлар кўплаб SMS-хабарларни юборувчи ёшларнинг баъзи ҳолларда, ҳаттоши шифохонага ҳам тушиб қолиши кузатилган.

24 СОАТ ПАРВОЗ КИЛДИ

Куёш батареялари ёрдамида ишлайдиган дастлабки самолётда бир сутка давом этган парвоз муддатидан амалга оширилди. Мазкур оламшумул янгилик ҳакида «Курсквеб» манбаси маълум қилди.

Айтиш керакки, «Солар Импульс» номини олган ушбу техник ишланманинг ilk парвози 1 июнга режалаштирилганди. Лекин техник сабабларга кўра унинг электрон ускуналарида бироз носозликлар юзага келгани боис парвоз бир неча кунга кечикирилди.



Кейинчалик белгиланган муддатда учиш аппарати Швейцариядаги Пайерн шаҳарчасидан эрта тонгда осмонга кўтарилиб, 24 соат давомидан парвоз қилган. Самолётни 8,5 минг километр баландликда бир нафар учувчи бошқарди. Курилма 12 мингта қувват манбалари билан жиҳозланган бўлиб, унга ўрнатилган аккумуляторлар массаси таҳминан 500 килограмни ташкил этади. Эътиборли жихати шуки, самолёт кундузги парвоз пайтида Куёш нурлари ёрдамида унинг тунда 7-8 соат уча олиши учун ётадиган қувватни тўплаш имконига эга бўлган.




ЭНГ ХАВФЛИ МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАРИ

«Инвиронментал Воркинг Гроуп» ташкилоти томонидан радиация нурланиши даражаси энг юқори дея баҳолангандан уяли алоқа воситалари рўйхати эълон қилинди.


Хусусан, соғлик учун заарли деб топилган мобиль аппаратлари орасида «Блэкберри Болд», «Моторола Дроид», «Эл-Жи Чоколат Тач», «Нексус Ван» ва «Ай-фон ЗЖи-Эс» кўрсатилган. Чунки улардаги нур тарқатиш даражаси 1,19-1,55 Ватт.гача бўлиб, мазкур кўрсаткич инсон организмига радиациянинг таъсири кучли эканидан далолат беради.

Аксинча, энг хавфсиз телефонлар қаторига эса «Самсунг Рэгби», «Блэкберри Сторм 9530», «Самсунг 18000», «Омниа II» ва «Самсунг Пропел Про» моделллари киритилган. Эътиборлиси, экологлар улардан таралаётган нурлар инсон саломатлигига ударажада салбий таъсир кўрсатмаслигини таъкидлашмоқда.



ИККИ БАРОБАР СЕМИЗ ЭКАН


Британиялик болалар шириналлик учун америкаликлардан икки баробар ортиқ пул сарфлар экан. «Датамонитор» компанияси томонидан олиб борилган изланиш натижасида британиялик ёшлар орасида ортиқча вазнга эга бўлганлар сони икки баробар кўплиги эътироф этилди, деб ёзади «Телеграф» нашри.



Аникроқ қилиб айтганда, Буюк Британия болалари шириналлик сотиб олиш учун бир йилда 372 евро сарфлар экан. Америкада эса вояга етмаганларнинг шириналлар учун сарфлайдиган йиллик харажатлари ўртача 150 еврони ташкил этади. Тадқиқот доирасида олинган маълумотлар 13 ёшгача бўлган болаларнинг аксарияти ортиқча вазндан азият чекишини кўрсатди. Уларнинг кўпчилигига қон босими кўтарилиши, холестерин даражасининг ортиб кетиши, қандли диабет ва жигар касалларни кузатилади. Мазкур холатларга қарши чора кўриш максадида Согликни сақлаш ва сифатли тибий ёрдам кўрсатиш Миллий институти томонидан юрак хасталикларни бартараф этиш учун тавсиялар тақдим этилди.

Дилноза МИРЗАЁКУБОВА, Чарос БАХРИЕВА, Нодира ФАЙЗИЕВА ва Мадина РИЗАЕВА тайёрладилар.

ОКЕАН ШОВҚИНИ ТУФАЙЛИ



Инсонларнинг океанда олиб бораётган фамилияни туфайли сув остида юзага келадиган шовқин даражаси тобора баландлаётгани маълум бўлди. Бунинг натижасида ёлғиз сувиз юрадиган китлар ўз оиласидан билан алоқа ўрнатиш учун одатдагидан ҳам баланд товуш чиқараётганини Пенсильвания университети илмий ходимлари аниқлашган, деб ёзади «Биологи Леттерс» нашри.

«Океандаги сўрон юқорилаши китлар каби сув жонзотларининг ҳаёти ҳақида қайгуришга унда мөқодда», дейилади журналда. Умуман олганда, атлантик ёки силлиқ китлар (*Eubalaena glacialis*) соҳилларга жуда яқин келиши кўпчиликка маълум. Уларнинг танасида ёғ моддаси кўплиги боис, жонзотлар секин сузади. Буни билган кўплаб денгизчилар уларни аёвсиз овлай бошлагани сабабли бугун мазкур турдаги ҳайвонлар сони ниҳоятда камайиб кетган. Хусусан, айни пайтда Шимолий ва Жанубий турдаги китлар йўқолиб кетиш арафасида турган жонзотлар сафига киритилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, китлар маҳсус товушлар орқали мулоқот килади. Улар ёрдамида жонзотлар ўз турдошларни топиб, оиласарга бирлашади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, Пенсильвания университетидаги амалий тадқиқотлар лабораторияси ходими Сьюзан Паркс ва унинг ҳамкаслари турли баландликдаги шовқин пайтида китлар жўнатадиган овозли сигналлардаги ўзгаришларни ўрганишиш мақсад қилган. Бунинг учун улар маҳсус ёзув ва ўлчов асбобларни китларга ўрнатишган. Кейин эса ёзиб олинган товушларнинг баландлиги, давомийлиги ва тебранишлари таҳлил этилди. Натижада, океандаги шовқин туфайли китлар ўзлари чиқараётган товушлар амплитудасини кучайтираётгани

ҳамда ўз турдошлари билан алоқа ўрнатиш учун кўпроқ энергия сарфлаётгани аниқланди. Бу эса, ўз навбатида, жонзотларга салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг кучизланишига ва осон нишонга айланишига олиб келмоқда. Энг хавфлиси, океандаги шовқин бундан кейин ҳам кучайиб бориши куттилмоқда. Китлар эса жисмонан маълум меъёрлардан ортиқ овоз чиқара олмаслиги мумкин. Таъбийки, мазкур ҳолат уларнинг мулоқот ўрнатишга ва жуфтини топишига халал бериб, уларнинг камайишига олиб келувчи яна бир омил бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шу сабаб олимлар юзага келган вазиятдан кучли хавотирда эканини таъкидлашмоқда.

Н. РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори, тарих факультети жамоаси «Ватан тарихи» кафедраси профессори, тарих фанлари доктори

Шахобитдин ЗИЯМОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

So'z ko'rki

NEGA SHUNDAY DEYMIZ?

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda.)

у

Yo'jni yo'ndirib bo'imas, qushni qo'ndirib. Muqobilari: "Keng tor bo'imas, yo'q bor bo'imas"; "O'zingda yo'q — olamda yo'q"; "Yo'qqa yugurib, yetolmaysan"; "Yo'qqa yugurik yetmaydi, qumga qoziq o'tmaydi"; "O'tgan bulutdan yomg'ir kutma"; "Chiqmagan oftobga isimna"; "Yo'qqa yugurib, bordan ajrama" kabi. Ushbu maqollar bilan xalqimiz asli tagida yo'q, bo'Imagan narsani topaman deb ovora bo'ima, kuchingni behuda sarflama, deya o'git beradi. Oddiy mantiq bilan yo'q narsani yo'ndirib, yasab bo'Imaydi, qushni o'zi ixtiyor qilmasa, qo'ndirib bo'Imaydi. Yo'q narsaga xomtama bo'ima, deya hayotiy tajriba bayon qilinadi.

Yo'qolgan pichoqning sopi oltin. Kinoya, kesatiq, piching maqoli. Muqobilari: "Yo'qolgan boltaning dastasi oltin"; "Ketgan baliq — kemaday". Bu maqollar bilan "Avvalo, birovdan omonat olingan narsani vaqtida qaytar, aslo yo'qotma, sindirma, uzma, buzma. Aks holda, taomiliga ko'ra, o'rniqa undan yaxshiroq buyum qaytarishing kerak bo'ladi. Chunki mol egasi o'zining yo'qolgan narsasini "ana undoq edi", "mana bundoq edi" deya maqtab bahosini oshiraveradi. To'lagan uncha-muncha narsangni nazar-pisand qilmaydi", demoqchi bo'ladir.

Maqolda buyum egasiga kinoya, omonat olanga xayrioxlik, o'git ma'nolari mujassam.

К

Kavlanmagan cho'g' kul ostida qolib ketadi. Bu maqol bilan "O'tib ketgan eski gapni, ginaxonliklarni kavlamasang, bora-bora unutilib, o'z-o'zidan yo'q bo'lib ketadi. Agar kavlaydigan bo'lsang, eski ginalar qayta qo'zg'alib, asabingni, kayfiyatning buzadi", demoqchi bo'ladir. Bu — bir ma'nos. Ikkinchisi: "Cho'g' kavlanib topilsa, hili bilan tanchangni isitadi, foydasi tegadi, hatto boshqa yangi olovlargacha tutantiriq bo'lishi, bozillagan yangi cho'g'lar hosil qilishi ham mumkin", degan ma'nos ham borki, maqoldan ko'zda tutilgan maqsad shu mazmunni ifodalashga qaratilgan. Ramz, timsol, kosa tagida nimkosa mantiqi hukmron. Inson hamisha takomillashib borishi, kul ostidagi cho'g' kabi qo'zg'ab, kavlanib turilishi tavsya qilinadi.

Kemaga tushganning joni bir. Biror falokat, halokat, xavf-hatarning oldini olishda, bartaraf etishda hamma baravar harakat qilishi, jon kuydirishi, birov ishlab, birov chetga chiqib turmasligi lozimligini uqtirganda va shunga o'xhash boshqa vaziyatlarda mazkur maqolni ishlatalardilar. Asl ma'nos: "Kemaga tushdingmi, shohmisan, gadomi to manzilga eson-omon yetib olguncha shu harakat vositasining asirisani. Xudo ko'rsatmasin, biror kor-hol bo'lib, falokat ro'y bersa, ho'lu quruq baravar yonadi, ya'ni hamma baravar g'arq bo'ladi". Men bu maqolga muqobil qilib: "Kemaga tushganning soni bir" degan bo'lardim. Chunki ekipaj qancha odam bo'lishidan qat'i nazar, barchasining joni kabi soni ham bir, taqdirla-a'moli bir xil bo'ladi.

Ramz, timsol, tavakkal, xudoga solish ma'nolari mujassam.

Kishi yurtida shoh bo'lguncha, o'z yurtingda gado bo'li. Vatanni sevish, unga sodiq va fidoyi bo'lish, ota yurthing har qanday jannatmonand o'zga yurtlardan hamisha afzalligini ulug'lovchi maqol. Muqobilari: "O'zga elning sultonni bo'lguncha, o'z elningning cho'poni bo'", "O'zga yurthing boshi bo'lguncha, o'z yurtingning toshi bo'", "Uzoqning qozisi bo'lguncha, yaqinning tozisi bo'", "O'zganing toqi ravog'idan o'zingning avyonning yaxshi"; "O'zga yurthing yuz bahori — o'z yurtingning bitta qori"; "O'z elim — oltin beshik, o'zga elning tubi teshik"; "O'z uying — o'lan to'shaging" kabi.

Insoniy mehr-muhabbat, fidoyilik, kindik qoni to'kilgan yerga sadoqat, odam zotining tabiat va jamiyat farzandi ekanligi instinkti.

Kosa tagida nimkosa. Muqobilari: "Kosang-ku — kosang, nimkosangdan qo'rqaman"; "Gap tagida gap bor". Bu maqollar biror narsa, odam, buyum, voqeahodisaga shama, imo-ishora qilinganda aytildi. Dono xalq tomdan tarasha tushgandek, bir nuqson, xatoingni betingga shartta aytmay, andisha bilan pardalab bayon qiladi. "Qizim senga aytaman — kelnim, sen eshit" qabilida.

Mahmud SATTOR

(Davomi bor.)

Саодат опанинг болалик дамлари Тошкент вилояти Куйи Чирчик туманидаги Гул кишилогида кечган. У оддий оиласда таваллуд топган бўлиб, падари бузрукори Имомбай ота, онаси Бувайша ая кўлида меҳнат билан улгайди ва тобланди. Оиланинг чоғроқнина томорқасига тақорорий экинлар экилар, олинган даромад серфарзанд оиланинг унча-мунча эҳтиёжларини қоплар эди.

Кейинчалик 35 баҳорни кўрган Саодат опанинг гарданига 7 нафар фарзандини во-



занди Жўрабек 4-умумтаълим мактабида рус тили ва адабиёти фанидан ўқувчиларга сабоқ берди, ҳозирги кунда ҳам мактаб билан алоқасини узган эмас. Мактаб маъмурияти фахрий педагогдан маслаҳат, йўлйўриқ олиш учун у кишини тез-тез таълим даргохига таклиф этиб туради. Кизи Назира Ўзбекистон жаҳон тиллари университетининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаб, оиласий сурʼола вакили сифатида 4-умумтаълим мактабида ёшларга 30 йил мобай-

САОДАТ ОПАНИНГ ШУКРОНАСИ

яга етказишдек ҳам машаккатли, ҳам масъулиятли вазифa тушди. 4-умумтаълим мактабида она тили ва адабиётдан дарс берадиган турмуш ўртоғи Абдужаббор Абдуғаффоровнинг вафоти бу аёлни сабртоқатга, қийинчиликларни енгиг яшашга унади. Нафакат ўз фарзандлари, балки Гул кишилогида туғилиб, келажак сари талпинаётган ўғил-қизларга ҳам ўз фанидан сабоқ бериши билан бирга уларни умуминсоний ва ўзбекона қадрияларга нисбатан ҳурмат руҳидар тарбиялаш турмуш ўртоғининг яшаш мезонига айланган эди. Саодат опа Абдужаббор акадаги ана шу хислатларни ўзлаштириб олгани боис, ўз фарзандларини оқ юваб, оқ тараши, уларнинг билим эгаллаши учун шарт-шароит яратишни, юксак маънавиятли шахслар қилиб тарбиялашни ўзининг оналик бурчи деб хисоблади. Зоро, онанинг баҳти — фарзандлари камолида эмасми? Агар улар жамиятдан ўз ўринларини топшиш, элга, миллатга нафи тегадиган касбларни эгаллашса, бундай аёл тўла маънода бахтиларидир, деб хисобларди Саодат опа.

Мактабдаги кўп йиллик самарали меҳнати, жамоат ишла-

ридаги фаол иштироки учун у туман ҳалқ таълими бўлими, вилоят ҳалқ таълими бошқармаси томонидан қатор фахрий ёрликлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Беш нафар ўғлини уйлантириб, икки нафар қизини турмушга узатган Саодат опа бугунги

Oramizdag'i odamlar

нида сабоқ бериб келди. Ҳозир нафақада. Ўғилларидан яна бири Абдусаттор Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ўқиши кириб, шу даргоҳни имтиёзли диплом билан тамомлadi. Унинг талаба ёшларга «Тўқимачилик материалшунослиги» мутахассислик фанидан таълим бериш билан бирга ҳалқимиз миллий урф-одатларини, қадрияларини кенг миқёсда тарғиб-ташвиқ этиши эътироф этилмоқда.

Дарҳақиқат, Саодат опанинг киёфасида бир аёлга инъом этилиши мумкин бўлган кўп нарсалар бор: барча фарзандлари онига болалик дамлариданоқ тарбиянинг тамал тоши мустаҳкам қўйилгани учун жамиятдан ўз ўринларини топдилар. Опа улар киёфасида набиралари келажагини тасаввур қиласди, чевараларини айтмайсими, зуко, интилувчан. Ўз болалиги билан уларни солиштиради ва жуда катта фарқни кўради: ҳозирги авлод мустақил ҳаётга ҳар томонлама тайёрланмоқда. Бунинг учун давлат миқёсида энг зарурий шароитлар, енгилликлар яратилмоқда, шунисига минг бора шукр.

Х. КУЗМЕТОВА

кунда невара-чеваралари куршовида.

— Саодат опа Гул кишилоги-нинг фахри хисобланади. Бир ўзбек аёли сифатида опа, фарзандларини кўпчилик ҳавас билан қарайдиган шахслар қилиб тарбиялади. Ўғил-қизларининг турли ихтиосликларни ўйнича олий маълумот эгаллагани, айни пайтда ўз соҳаларида самарали меҳнат қилиб келаётгани ҳам бу онахон қалбига шукроналик, миннатдорлик туйгуларини солади, — дея гууруланиб таъкидлайди Куйи Чирчик тумани хокимининг хотин-қизлар кенгаши раиси Хуршида Хайитбоева.

Саодат опанинг аксарият фарзандлари таълим соҳасида оталари ишини ҳавас билан давом эттиришмоқда. Катта фар-

СҮНМАС ИБРАТ

Университетни битиргач, Яккасарой енгил саноат касб-хунар коллежига ишга кирдим. Ўқитувчиликдек шарафли касбни эгаллаш, ўқувчиларга илм зиёсини тарқатишида бироз қийинчиликларга дуч келдим. Тажрибам ҳам кам. Кимнингдир ёрдамига мухтахиж эдим. Зуҳра опа эса менга шундай яхшиликлар қилди, бу менинг ўз соҳамнинг етук эгаси бўлишимга турткি бўлди. Уларнинг қанотига кирдим. Ҳар гал устоз «Таълим-тарбия узулкусиз давом этадиган жараён, дарс ўтдингизми, албатта, ўқувчиidan ўз вазифасини сўранг, топширик бердингизми ижросини назорат қилинг, иш боши тартиб интизомда» дерди. Ўзи ҳам шунга қаттиқ риоя қилас, ишга ҳаммадан биринчи бўлиб келарди.

Бир куни ҳазиллашиб, устоз ўқитувчи коллехга ёнг барвақт келадиган ўқитувчи сизиз, деганимда кулиб, «коллеж, ўқувчи-лар — бу менинг ҳаёт йўлим, улар мени доим ўзига тортади», дея жавоб берганди.

Зуҳра Зоирова 1976 йили Яккасарой енгил саноат касб-хунар коллежини битириб, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ўқиши кириди. У 1975 йилдан Яккасарой енгил саноат касб-хунар коллежида ишлаб чиқариш таълим устаси, 1982 йилдан катта уста лавозимида фоилият кўрсатди. 1986 йилдан мазкур коллежга касбий таълим бўйича директор мувонни лавозимига тайинланди, 34 йил самарали меҳнат қилди.

У кишининг меҳнатчеварлиги, камтарлиги, инсонийлиги, ўз касбига меҳр билан ёндашиши жамоатда ўзига хос ўрни борлигини кўрсатиб берди. Билимини, меҳнатини ёрдам сўраган инсонлардан аямас, ўйл кўйилган қамчиликларни эса фақат ширигин сўзи билан бартарафа киларди. Устознинг ташабуси билан колледжа «Ёш усталар мактаби» ташкил этилди.

Зуҳра опанинг саъй-ҳаракати билан колледж жамоаси туман, шаҳар ва республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловида 3, 2004 йили фахрий ўртини эгаллашди. Шунингдек, Зуҳра Зоирова бошчилигидаги коллежнинг дизайнер қизлари Самарканд шаҳринийг 2750 йиллик юбилей тадбирларида, «Шарқ тароналари» VI ҳалқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимида ўзининг ноанъанавий шарқона лиbosлари билан фаол иштирок этиди.

— Зуҳра Зоирова янги педагогик технологияларини ўрганиш ва дарс жаёнига татбиқ қилиш мақсадида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, касбий фанларни юкори дараҷада ўқитилишини таъминлаш мақсадида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти билан ҳамкорлик ишларини олиб борди, — дейди коллек директори Норпошшо Мирсагирова.

Xotira — miqaddas



— Талабчан раҳбар, тажрибали ўқитувчи, ўз ишига масъулиятли, ўзганинг ташвишига шерик, жамоада яхши дўст, қисқача айтганда ибратли устоз, яхши оиласидан бекаси, икки фарзанднинг онаси, ширинданд-шакар невараларнинг бувижониси эди.

Устознинг кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодга таълим-тарбия беришда эришган ютуқлари самараси ўлароқ, илгор ва ташабbuskor раҳбарлиги учун, 2009 йили хукуматимизнинг «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

Вужудида дард билан курашайтган бўлса-да, умрининг сунгти кунларигача бирорнинг кўнглига озор етказмай, янада кўпроқ яхшиликлар қилган Зуҳра Зоирова бугун орамизда йўқ. У кишининг ибратли ҳаёт барчамига илм-маърифат томон олға қадам ташлашимида кўш нурларидек сунмас ибрат ва намуна йўли бўлиб қолавебади.

Олим МЕЛИБОЕВ, Яккасарой енгил саноат касб-хунар коллежи директорининг маннавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари

МУСОБАҚАЛАШИБ ХОРДИК ЧИҚАРАМИЗ

Навқирон авлод вакилларини баркамол этиб вояга етказиш, шу билан бирга, ёзги таътил даврида ўкувчиларнинг бўш вақтига мазмун киритиш мақсадида бир қатор тадбирлар, мусобақалар уюштириляпти. Чунончи, Сурхондарё вилоятида ҳам болаларнинг ёзги таътилини юкори даражада ўтказиш ва мактаб кучогига соғ-саломат қайтишини тъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилимокда.

Бундай беллашувлар туфайли чекка ҳудудлардаги ёшлар ҳам кўплаб спорт турлари, хусусан, баскетбол, волейбол, кўл тўпи, енгил атлетика, футбол, стол тенниси, шахмат, шашка ва кураш бўйича ўз иқтидорини синааб кўриш имкониятига эга бўялти.

Натижада, янги номлар кашф этилмоқда. Эътиборлиси, мазкур мусобақалар болажонларнинг иштиёки ва файрати билан бойиб, катта байрамга айланаб кетаётir.

Ана шундай спорт тадбирлардан бири Термиз туманида ташкил этилган «Оқтош ёзи» 13-республика очик шахмат турнири бўлди. Унда қишлоқлик ҳаваскор спорти-ёшлар фахрли ўринлар билан қайтди. Тумандаги 13-мактабнинг ўкувчиси Ойбек Жўраев фахрли 1-ўринни эгаллаб, қишлоқдошарини хурсанд қилди. Унинг тенгдоши Азизбек Давлетов 2- ва Бобур Жумаев 3-ўрин соҳиби бўлди. Ўкувчиларнинг бундай муваф-

«Yoz — 2010»

фақияти ҳақида шу мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Фароғат Мирзақулова қўйидагича фикр билдири: «Ёшларимиз учун туманимизда, жумладан, мактабда ҳам спорт билан мунтазам шугулашни учун шарт-шароитлар яратилган. Янги курилган ва реконструкция қилинган иншоотларда спортни ривожлантириш учун моддий база ва малакали кадрлар етари. Шу боисдан ўкувчиларимиз бўш вақт топилди, дегунча жисмоний тарбия билан шуғулланишга жалб этилмоқда. Бундай имконият туфайли эса улар «Оқтош ёзи» турнири, каби булашувларда фақат голиблик учун курашяпти».

Норкуват ТЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухабири



ЭНГ ҚИММАТ ТРАНСФЕР

Охириги икки йилликда Миллий баскетбол ассоциациясининг энг қиммат ўйинчиси деятан олинган Леброн Жеймс «Кливленда»дан «Майами» клубига ўтди, деб хабар берди Рейтер манбаси.



Бу билан «Майами» клуби МБА тарихидаги энг қиммат трансферни амалга оширган жамоа сифатида ёдда қоладиган бўлди. Бонси жамоа раҳбарияти Жеймсдан ташқари, яна Дузин Уэйн ҳамда Крис

Бош каби ўлдуз баскетболчиларни ҳам таркибга жалб қилишга муваффақ бўлди. Улар маҳаллий телеканал орқали таништириш маросими баҳонасида чиқиш қилиб, муҳисларни қизиқтирган салваларга жавоб бериши.

— Мен чемпион бўлишни истайман ва бу ерда соғлом рақобат муҳити борлигини хис қўялпаман, — деди Жеймс. — Ўз таркибида шундай кучли ўйинчилари бор бўлган ушбу жамоа таклифини рад этиш мумкин эмасди.

«US OPEN»ДА РЕКОРД ЖАМГАРМА

«US Open» голиби теннис тарихида рекорд соврин — 1,7 млн. доллар олади. Мусобақа ташкилотчилари ушбу сумма теннис тарихидаги энг катта ютуқ эканлигини таъкидлашмоқда, деб ёзди АП.

Борган сари теннис иштиёқмандлари сони ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида, мазкур спорт турнирги нуғузи ҳамда оммавиллигини ҳам белгилайди. Хусусан, океан ортилии мутасаддилар «US Open-2010» умумий ютуқ жамғармасини 2009 йилги биринчиликка нисбатан 1 миллионга оширди. Июль ойи бошида якунланган «Уимблдон» турнири голиблари Серена Уильямс ва Рафаэль Надаль 1 миллион фунт стерлинг (1,5 миллион доллар) миқдорида пул мукофоти билан тақдирланганди.



АКШнинг жорий йилги Очик чемпионати 30 августдан 12 сентябргача ўтказилади.

ЖЧ-2010 РАМЗИ НАМОЙИШИ

Бразилия Президенти Луис Инасиу Лула да Силва Йоханнесбургда бўлиб ўтган тантанали маросимда 2014 йили Бразилияда футбол бўйича ўтказиладиган 20-жаҳон чемпионатининг расмий рамзини намойиш этди.



Рамзга асос қилиб Жаҳон кубоги шакли олинган. Унинг тимсолини акс эттирища иккита кўл туташтирилиб, футбол контогини ушлаб турган ҳолати туширилган. Ушбу рамз сариқ ва яшил, яни Бразилия давлат байроғи рангларидан ишланган.

Шунингдек, Президент ЖАРда ниҳоясига етай деб қолган чемпионатнинг ташкилий ишларига юкори баҳо берди ва 2014 йилги мундиалга тайёрларига жараёнда ушбу мамлакат таҳрибасидан унумли фойдаланишларини яширмади. Африкада давом эттаётган турнеда Президент Лула нафқат турнири ўтказиш эстафетасида, балки финал баҳсларида ҳам ўз терма жамоасини кўллаб-куватлаш учун қаташишини режалаштирганди.

ФУТБОЛ БИЛАН ХАЙРЛАШДИ

Италиянинг амалдаги чемпиони «Интер» расмий сайти тарқатган маълумотларга қаранди, жамоаини тажрибали дарвозабони Франческо Толдо футбол билан хайрлашишга қатъий қарор килган.

«Бу сафар танаффус ҳайтимнинг охирига қадар үзилади. Айтмоҳиманки, профессионал футболга бошқа қрайтмайман», — деди 38 ёшли дарвозабон. — Йигирма йилдан бўён ушбу спорт билан шуғулланиб келдим, унинг ичиди яшадим, бироқ «Интер» билан хайрлашишин фурсати келди.

Толдо «Фиорентина»дан 2001 йилда «Интер» клуби сафига келиб қўшилган. Охиригай пайтларда у жамоанинг асосий дарвозабони сифатида майдонга чиқарилмай-қўиди. Унинг ўрнини бразилиялик моҳир касбоди Жулио Сезар эгаллади.

Италия терма жамоасида Толдо 28та ўйин ўтказган ва эътиборга тушганди. 2000 йили Европа чемпионатида асосий дарвозабон сифатида қаташган ҳамда ярим финалда Эта пенальтини қайташга муваффақ бўлганди.



Шахина ЖўРАЕВА тайёрлади.

Футбол бўйича жаҳон чемпионатлари тарихида мутлақо кузатилмаган камёб ҳодиса юз берди: финалга бир йўла икки Европа қитъаси терма жамоаси йўл олди. Қолаверса, финалга йўлланмана олган ҳар икки жамоа ўз тарихида биринчи бор чемпион бўлиш арафасида. Шундай қилиб, Голландия ва Испания соккерчиларининг 19-жаҳон чемпионати финалига йўлланмана олгани — энди оддий ҳақиқат!

Жанубий Африка Республикасида ўтказилаётган мазкур футbol фестивалини чиндан ҳам мўъжизаларга бой тарзда ўтятти. Аввалига жуда кўплаб муҳлис ва мутахассислар мундиалнинг ЖАРда ўтишидан хабар топиб, бироз норози бўлганди. Бироқ кўриб, турганимиздек, мазкур футbol баҳслари қизиқарлилик ва жозиба борасида беназир чемпионатга айланниб улгурди.

Жазира маҳаллий чемпионати тарифида сафарни чинакам очик ўйин томоша қилиб, ҳақиқий ярим финал шукухини хис қилишган бўлса, ажабмас. Қолаверса, Р.Эрматовга ишонч билан топширилган матчнинг яхши савияда бошқарип борилиши юртшадоримиз учун ҳам муҳим эди. Шу боис ушбу



ўйиннинг қиймати икки хисса юкори бўлди.

Англия ва Аргентина каби донгдор жамоаларнинг «курагини ерга текизиган» немис футbolchilari ярим финалда сайёрамиздаги энг нокулай рақиби бўлмиш — Испания миллий терма жамоасига тўрбарў келишди. Уэйн Руни ва Лео Месси сафдошларини чигалёди машғулотлари ўтгандек яирик ҳисобда ертишлатган Йоахим Лёв шогирдлари испанларга карши бутунлай бошқача тоассурот ўйғоди бизда. Қисқа тўп оширишлар орқали ном чиқарган пиринейликлар «бундесмашини»ни тўхтатишга муваффақ бўлди.

Одатда мана шундай мураккаб тўқнашувларда ўйин тақдирини биргина гол ҳал қиласи ва уни кўпинча ҳужумчилар эмас, ҳимоячилар йўллайди. Бу сафар ҳам сценарий тақорланди. Бунга тажрибали ҳимоячи Карлес Пуйольнинг боши билан урган голи сабабчи бўлди. Хави бурчак-

дан рақиб жарима майдончасига ошириб берган тўпга Пуйоль биринчи бўлиб эгалиб қилиди ва Гол!!! Дарвоҳе, Пуйоль биринчи бўлимда Андреас Инвеста томонидан етказилган ажойиб тўп оширишдан сўнг ҳам худди шу тарзда, яъни тўпни боши билан дарвозага йўллаганди, аммо унда тўп тўсига устидан ўтиб кетганди.

Шундан сўнг Филипп Лам ва Швайнштайгер жамоани олга унди, испанлар «истехкоми» атрофида бирин-кетин хавфли ҳужумлар уюштира бошлади. Дель Боске шогирдлари қарши ҳужумда ўйнашга мажбур бўлди ва ана шундай юришлардан бирида Педро қарийб юз физилик имкониятни кўкка соғуорди: на ўзи гол урди, на ундан кўра кулаироқ нуктада турган Торресга тўп узатди... Шунга қарамай, ярим финал «евродербиси»да акли ўйин тарафдорлари бўлган испанларнинг кўли баланд келди, яъни хисоб 1:0 — К.Пуйоль Испанияни финалга олиб чиқди!

Буни қарангки, энди мундиал финалида ҳам «евродерби» деган атамани ишлатишига мажбурмиз. Шунинг учун ҳам бу ҳолат ким учундир оддийгина Европа чемпионатининг навбатдаги шоусидек туялса, кимлар учундир тарих саҳифасига янгилик киритувчи воқеиликдир. Ҳар қалай, голандлар мундиал финалига 2 марта чиқкан, испанлар эса шунга ҳам биринчи марта сазовор бўляти. Чемпионлик сурурини туйиш иккенинга ҳам насиб этмаган ҳозирга қадар. Демак... Келинг, яхшиси, финални кузатамиз! Унга қадар буғун 3-ўрин учун ўтказиладиган Уругвай ҳамда Германия жамоаларининг 19-жаҳон чемпионатида ги сўнгги ўйинини то-муша қиласими.

Зоҳиджон ХОЛОВ

чемпиони кубогини «ушламаган» Испания ва Голландия) ғолиблик учун баҳсни давом эттиради. Бунгача жаҳон чемпиони деган шарафли номга эришиб бўлган Германия ва Уругвай жамоаси эса бронза медали гасини аниқлади.

Иқтидорли ўзбек ҳаками Равшан Эрматов назорат қилган Голландия ва Уругвай (3:2) баҳсида ишқибозлар бир-биридан чиройли гол-



ҲАЙРАТ ВА ЗАВҚ ТУТАШГАН НУКТА

ТҮГАРАКДА БИР КУН...

Бола эдим. Тарбиячи опамизнинг дам олиш вақтида, биз ухлаётганимизда калава ипдан бирор буюм тўкиётганини кўрпа остидан сездирмай кузатардим. Кўлларининг бир маромдаги ҳаракатида, турли рангдаги иплардан бир кун қўлқопча, бир кун пайпокча пайдо бўлиб қоларди. Буларнинг барчаси менга жуда қизиқ туолар, боғча опамиз билан бирга тўқигим келарди. Орадан маълум вақт ўтиб мактабга бордик. Мактабдаги тўқувчилик тўгарагига қатнай бошладим. Шу сабабми, тўқувчилик деганда болалигим кўз олдимда гавдаланади.

Тошкент шаҳар Ўқувчилар ижодиёти марказидаги тўқувчилик тўгарагига борганимда ҳам беихтиёр болалик хотиралирим қайта жонланди. Мазкур тўгаракка 15 йилдан бўён раҳбарлик қилаётган Оксана Турдиева ҳар йили кўплаб қизларга тўқувчилик сирларини ўргатиб келмоқда. Тўгарак ҳамиша йуквчилар билан гавжум. Улар тўқиган ижодий ишлар хона деворлари ва жавон токчаларини безаб турибди. Мураббиянинг шогирдлари турли танловларда мунтазам иширик этиб, юқори ўринларни эгаллаб келишади. Малика ва Зарнигор Умрзоқова, Карина Аликперова, Малика Назаровани устоз алоҳида тилга олади. Хусусан, ушбу тўгаракка 5 йилдан бўён қатнаётган Малика Умрзоқова бу йил "Камалак" миллий анъаналар ва замонавийлик шаҳар болалар ижодиёти фестивалида 1-урин соҳибаси бўлди.

— Тўқишининг бўлиб, ҳар бирилари бор. Тўқувчилик тўгарагига қилиб, турли шакл ва нақшларни қўша олади. Тўқиши асбларини тўғри танлай билиш ва улардан моҳирона фойдалана олиш тўкилаётган буюмнинг бежирим, сифатли бўлишини таъминлайди. Шунингдек, қизларни қабул қилишда уларнинг ёшига ҳам аҳамият қаратилади. Масалан, бисер тўгарагига қизларни 4-5 ёшдан ҳам қабул қиласиз. Аслида бу ишнинг мураккаб, ўзлаштирилиши қийин томонлари бўлгани учун бу йўналишдаги машғулотларга қизлар 10—12 ёшдан келгани маъкул, — деди мураббия.

Қарангки, тўқишининг ҳам алифбоси бўларкан. Ҳар бир ҳалқа, илмоқнинг шартли белгиси бор. Уни ўқий олган киши маҳсус тўқиши китобларида берилган нақш, безакларни тўқиши усулини тушуниши, натижада иш асосда ўзи мустақил тўқий олиши мумкин. Тўгаракда, аввало, ушбу алифбо ўргатилади. Сўнг босқичма-босқич оддий элементлар, пайпоқ ва сочиқчалар, кейин эса шарф, кофта ва бошқа буюмларни тўқиши ўргатилади.

Ўқувчилар ижодида эртак қаҳрамонлари, ўсимлик ва ҳайвонлар шаклидан тортиб, мураккаб услубда тўқилган буюмларни кўрдик. Уларнинг ҳар бирида болаликнинг беғубор олами, ҳайрат ва завқи, ўй-фирклари, интилиши, меҳр-муҳаббати мужассам. "Олма дарахти" деб номланган бир ижод намунасида дараҳт мевасига тушаётган қурт манзараси акс этган. Бизнингча, бу жажжи қалб эгасининг табиятга, атроф-муҳитга муносабатини билдирувчи ўзига хос асадир. "Асалари ва гул" деб атальмиш бошқа бир намунада гулга кўниб турган асаларини кўрар эканмиз, ўқувчининг ранг танлаш иқтидорига қўйил қоламиз. Дарвоҷе, тўқувчиликда ранг танлашга, ранглар ўйғуллигига катта эътибор берилади. Бу эса қизларнинг эстетик диди ҷарханишига ёрдам беради.

Тўқишининг инсон соғлиги ва психологиясига ҳам таъсири катта. Оддий ипдан гўзал бир нарса, таъбир жоиз бўлса, санъат асарини яратиш инсонга чексиз завқ бағишлиади. Бундан ташқари, тўгарак раҳбари Оксана Турдиева 15 йиллик тажрибасига таяниб шуни таъкидлайдики, тўқиши инсоннинг асаб тизимини тинчлантиради, кўз ҳам дам олади, ҳам чиникади. Демак, тўқиши факат тўқиши эмас, балки инсон хулқ-атворини тарбияловчи, тани ва руҳига шифо баҳш этувчи хунар ҳам экан.

Шоҳсанам НИЁЗОВА,
ЎзДЖТУ талабаси
Муаллиф олган
суратлар.



Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinnbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinnbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinnbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-622.
Tirajji 27800.

Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Nargiza IBROHIMOVA,
Navbatchi:
Dilshod KARIMOV.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyst
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifa qaytarilmaydi.
(*) belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi —
236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmlari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayat va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxa

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Boshishga topshirish
vaqt — 21.00.
Topshirildi — 21.45
ЎзА яхши — 21.00